Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 24 февраль, пайшанба № 47—48 (21.652). Сотувда эркин нархда.

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ УЗИЛМАСДИР

22 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва уларга қонуний туе бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мулоқот сўнгида икки мамлакат ўртасида 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди. Битимни Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Тожикистон Олий Кенгашининг Раиси И. Раҳмонов имзолади.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Шундан сўнг, Ислом Каримов билан Имомали Раҳмонов иштирокида матбуот конференцияси бўлди. Ҳар икки давлат раҳбари журналистлар саволларига жавоб бериб, кўп масалаларда ҳамфикр эканликларини қайд этдилар.

Ҳозир тожик-афғон чегарасида аҳвол яхши эмас. Йил бошидан буён 25 марта чегарани бузиб ўтишга уриниш бўлди. Афғонистон билан Тожикистон ўртасидаги чегара нафақат бу икки давлатга, балки Ўзбекистонга, қолаверса, МДҲ давлатларига дахлдордир. Шундай экан, коллектив хавфсизлик шартномасига имзо чеккан давлатлар мазкур муаммога бефарқ қарай олмайдилар. Умуман, Ўзбекистон билан Тожикистон қўшни Афғонистон ҳудудида бўлаётган воқеаларни бу давлатнинг ички иши ва ушбу мамлакатдаги танг вазият билан БМТ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар шуғулланиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Тожикистон билан Афғонистоннинг ички ишларига аралашяптими, ҳарбий ёрдам кўрсатяптими, қабилидаги саволлар ҳам берилди. Юртбошимиз вазминлик билан, айни пайтда далиллар асосида уларга жавоб қайтарди.

Ўзбекистоннинг афғонистонлик генерал Абдурашид Дўстумга ёрдам бераётгани ҳақидаги миш-миш у билан ҳокимият талашиб уришаётганларнинг уйдирмаларидир. Ҳозир Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига Ўзбекистон томонидан фақат электр энергияси юборилянти, холос.

Икки қўшни мамлакат — Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида баҳамжиҳат ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўп. Хусусан, кўкламги ишлар мавсуми яқинлашмоқда. Тожикистондаги экин майдонларининг эса жуда оз қисми шудгорланган. Ер ҳайдаши ва экин экиши учун тожик деҳқонига кўмак лозим. Чигит, ўғитлар етказиб бериш керак. Ўзбекистон ҳукумати қўшни мамлакатнинг оғир кунларида биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзди ва бу дўст, мустақил, эгаменли давлатга бундан кейин ҳам кўмаклашаверади, деди Ўзбекистон Президенти. Тожикистон халқи тинимсиз ва узоқ давом этган можаролардан толиқди. Республика раҳбарияти энди ички сиёсий барқарорликка эришиши, демократик сайловлар ўтказиши ва мамлакат иқтисодиётининг истиқболи режасини ишлаб чиқиши керак бўлади. Албатта, бунда Ўзбекистон тараққиёт йўлининг беш тамойилидан бири — иқтисодиётнинг сиёсатдан устун туриши Тожикистонда бошланажак ислоҳотлар учун ҳам мос келади.

Тожикистон Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг сафари шу куни ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Йўлбарс Эгамбердиев ҳам бор эди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, республика қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, маҳсулот етиштирувчиларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. 734 давлат хўжалиги хўжаликларнинг давлатга қарашли бўлмаган турли шаклларига айлантирилди. Маъмурий-бошқарув аппарати ходимларининг сони қисқартирилмоқда, хўжаликларнинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллаштирилмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг таркиби тубдан ўзгарди. Нарх белгилаш тизими такомиллаштирилмоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли барча турлари бўйича эркин (шартномавий) нархларга ўтиш амалга оширилди. Давлат буюртмаси ҳажмини камайтириш масалалари изчил ҳал этилмоқда, маҳсулотларни сотишда хўжаликларнинг ҳуқуқ ва мустақилликлари кенгайтирилмоқда.

Шу билан бирга иқтисодий ислоҳотлар қишлоқда ниҳоятда секинлик билан амалга оширилмоқда, зарур даражада теранлик ва мазмундорлик кўрсатилмаяпти. Бошқарув усуллари бозор талабларига жавоб бермайди, расмиятчилик ва маъмуриятчиликка барҳам берилмаган, хорижий фирмалар ва компанияларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этиш, қўшма ва хусусий корхоналар ташкил этиш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда.

Хўжаобод (Маматазизов), Кегайли (Байниёзов), Бандихон (Даминов), Бухоро (Шомуродов), Сирдарё (Мирзаев), Гўзалкент (Абдураимов) ва Ҳазорасп (Муродов) туманларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жиддий камчиликлар аниқланди.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий қайта ўзгартиришлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЧОРВАЧИЛИКДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ФЕРМАЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ушбу ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда хусусийлаштирилган фермаларда ва деҳқон (фермер) хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари ҳажмларини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қайд этиб ўтилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, маҳаллий қишлоқ хўжалиги органлари жамоаларга мулк қилиб берилган фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва ташкил қилишга етарли эътибор бермаяптилар, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасидаги тўсиқларни бартараф этиш учун қатъий чора-тадбирлар кўрмаяптилар.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов), «Ўзмевасабзавотузумсаноат» давлат концерни (Мирзаев), Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Усмонов) Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги 137-сон қарорининг бажарилиши ва фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши борасидаги ишларнинг аҳволини ўрганиш бўйича комиссия ташкил қилсинлар.

Хусусийлаштирилган фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликларига иқтисодий қийинчиликларни енгиш, улар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал қилиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида хўжаликни самарали юритишида уларга амалий ёрдам бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддат-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ байрами — Наврўзни катта тантаналар билан нишонлаш мустақил мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида анъанага айланиб бораётганлигини, унинг халқимиз миллий ғурурини шакллантириш, она тупроқни севиш, англаш, маънавиятни юксалтириш, инсонларни ҳаётни қадрлашга, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик, осойишталикни янада мустаҳкамлашдаги улуғвор аҳамиятини эътиборга олиб, 1994 йилда Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ташкилий қўмита бир ҳафта муддатда байрамни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Тошкент шаҳар ва барча вилоят ҳокимларининг шахсан раҳбарликларида шундай ташкилий қўмиталар тузилсин. Мазкур комиссиялар бир ҳафта муддат ичида Наврўз умумхалқ байрамини ўз ҳудудларида ўтказиш режаларини ишлаб чиқиб амалга оширишга киришсинлар.

2. Республика корхоналари, муассасалари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, жамоат ташкилотлари ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, байрам тадбирларини тегишли транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлашни ҳал этсинлар.

Ушбу мақсадларга йўналтирилган сарф-харажатлар уларнинг ҳисобидан бўлиши назарда тутилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига тегишли вазирликлар ва жамғармалар, ижодий уюшмалар билан биргаликда жойларда байрам маданий тадбирларини, оммавий спорт мусобақаларини,халқ ўйинларини, турли кўрик-танловлар ўтказишни кенг ташкил этиш режасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилсин.

Жойлардаги ташкилий қўмиталар байрам муносабати билан меҳнат ва уруш фахрийлари, мўътабар отахон ва онахонлар, кўп болали оилалар, ногиронлар ва етим-есирлар, боқувчисиз қолган ҳонадонлар ҳамда болалар уйларида тарбияланувчиларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш, рағбатлантириш, байрам тадбирларига жалб этиш, уларга совға-саломлар тортиқ қилиш ишларини уюштирсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Наврўз байрамида республикадаги барча миллий маданият марказларининг ўз дастурлари билан иштирок этишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги, давлат Телерадиокомпанияси, давлат Матбуот қўмитаси, давлат Кинокомпанияси, барча оммавий ахборот воситалари ва ижодий ташкилотлар халқимизнинг қадимий ва саҳоватли байрамининг тарихий-маънавий аҳамиятини очиб беришга, айниқса ёш авлодни миллий урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, Ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш туйғуларини шакллантириш, меҳр-шафқат ва она табиатни авайлаб-асраш руҳида тарбиялашга қаратилган дастурлар тузиб тадбирлар белгиласинлар.

6. Наврўз умумхалқ байрами тадбирларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мамлакатимиз пойтахтида байрам тадбирларини ўтказиш муносабати билан бўладиган сарф-харажатларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақдим этган молиявий ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар ва республика бюджетлари ҳисобидан тенг миқдорда қопласин.

8. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда, шаҳар ва қишлоқларни, маҳаллаларни ободонлантириш ва таъмирлаш, маданий-маърифий тадбирларни уюштиришда республика «Маҳалла» ва бошқа хайрия жамғармаларининг ўз маблағ улушлари билан кўмаклашиш борасидаги таклифлари эътиборга олинсин.

9. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига ўз низомида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек, меҳнат ва уруш фахрийлари, кўп болали оналар, ногиронлар ва етим-есирлар, боқувчисиз қолган ҳонадонлар ҳамда болалар уйлари тарбияланувчиларига совға-саломлар бериш, жойларда Наврўз умумхалқ байрамини ўтказишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармасидан 1 миллиард сўм ажратилсин.

10. Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасига байрамнинг юксак савияда ўтишини таъминлашда фаол иштирок этган идоралар, жамоалар ҳамда фуқароларни рағбатлантириш ҳақида тавсиялар тайёрлаш топширилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

УЛУҒ АЙЁМ ТАРАДДУДИ

Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Наврўз байрамини ўтказиш бўйича вазифалари тўғрисида қарор қабул қилди.

Жумладан, унда таъкидланишича мустақиллик шарофати билан давлат миқёсидаги умумхалқ байрамига айланган Наврўз бу йил республикамиз миллий истиқлол йўлидан янада шахдам бораётган, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар чуқурлашаётган, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори тобора ортаётган бир шароитда нишонланади. Зеро, халқимизнинг қадимий анъанавий қадрияти бўлмиш Наврўз фуқароларимиз қалбига маънавий покланиш, савобли ишлар қилиш, эзгулик уруғларини сепиш ҳамда кишиларга кўтаринки руҳ бағишлаш, уларни аҳилликкга, якдилликка, дўстликка ундаш каби фазилатлари билан биз учун бениҳоя қадрлидир.

Куни кеча Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида қабул қилган қарорида Наврўзнинг халқимиз миллий ғурурини шакллантириш, она заминни севиш, ўзлигини англаш, маънавиятни юксалтириш, инсонларни ҳаётни қадрлашга ундаш, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик, осойишталикни янада мустаҳкамлашдаги улуғвор аҳамияти алоҳида қайд этиб ўтилган.

Шуларни ҳисобга олиб, Сиёсий ижроия қўмита қабул қилган қарорда Наврўз байрамига пухта тайёргарлик кўриш ва унинг юксак савияда ўтказилишини таъминлаш партиямиз ташкилотлари, барча аъзоларининг масъулиятли бурчи эканлиги таъкидланади.

Қарорга мувофиқ «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Наврўз байрамини ўтказиш бўйича тадбирлари» тасдиқланди. Ўзбекистон ХДП ташкилотларига вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда бу йилги Наврўз байрамининг мазмунли ўтиши учун барча зарур чораларни белгилаб, ушбу масъулиятли ишда ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатиш топширилди.

Партиянинг барча даражадаги кенгашлари қошида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни уюштиришда иштирок этадиган махсус гуруҳлар тузиш ҳамда уларнинг аниқ режалар асосида иш олиб бориши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларига жойларда Наврўз байрамини ўтказиш тадбирларини кенг ёритиш, ўз саҳифаларида «Наврўзнома» рукнини ташкил этиб, газеталарнинг махсус байрам сонларини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

• *Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда айтилди*

ҚОНУН БУНДАЙ ДЕЙДИ, ҲОКИМ УНДАЙ...

Солиқ муҳим аҳамиятга молик давлат сиёсати. У мамлакат хазинасини бойитибгина қолмай, кундалик турмушимизнинг барқарор ривожланишини таъминловчи восита ҳамдир. Зеро, солиқ ишида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик кўзлаган мақсадларимизнинг тезроқ амалга оширишга зиён етказиши мумкин.

Шу боисдан ҳам мамлакат халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йилдаги иш якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинган республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида айрим туманларда давлат солиғи тўлашдаги нуқсонлар кескин танқид қилинди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида солиққа оид қонунлар бузилаётганлиги ачиниш билан тилга олинди.

Хўш, давлат нима ҳисобидан яшайди? Солиқ ҳисобидан эмасми. Халқ таълими, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш тармоқларичи? Армия қайси ҳисобдан сақланади? Солиқ ҳисобидан албатта. Мўътабар йиғилишда айнан шу сўзлар юртбошимиз томонидан бежиз айтилмади.

Афсуски, Деҳқонобод туманида солиқ ва унинг аҳамиятига юзаки ёндошиляпти. Гўё ҳокимликдагилар буни тушунишмаган ёки тушунишни хоҳлашмаган кўринади. Маълумки, «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига биноан солиқ тўловларининг суммаси ҳар йили қонуний тартибда белгиланган нормативлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва бошқа маҳаллий бюджетга ўтказилиши керак.

Деҳқонобод тумани ҳокими Чори Қўшоқов эса бу қонунни четлаб ўтди. Ўтган йили «Дўстлик» фермер хўжалигининг 1992 йилги фаолияти текширишдан ўтказилганда Низомда кўрсатилмаган ишлар билан шуғулланиб, 108 минг сўм қонунсиз даромад олганлиги аниқланган. Ана шу маблағ туман ҳокимининг 1993 йил 27 январдаги қарори билан унинг махсус ҳисоб-китоб рақамига ўтказилган. Ҳолбуки, ноқонуний йўл билан топилган пул давлат бюджетига ўтказилиши лозим эди.

Бюджет камомади ошиб кетган бир пайтда ҳоким яна бир жиддий хатога йўл қўйганлигини айтмоқчимиз. Ўз ҳисоб рақамига пул ўтказиш тўғрисидаги янги қарорга имзо чекади. Бу 1993 йилнинг 19 майидаги қарор бўлиб, унда тумандаги «Нефтчи» кичик корхонасидан олинадиган қўшимча қиймат солиғи ҳокимликнинг махсус ҳисоб-китоб рақамига ўтказилиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу қарорга мувофиқ корхонадан 2 миллион 945 минг сўм маблағ туман ҳокимининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Ажабланарли томони шундаки, бу давлат солиқлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мутлақо зид. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги қарорига мувофиқ қўшимча қиймат солиғи республика бюджетига тушиши керак эди. Буни ҳеч ким билмасмиди? Наҳотки бутун бошли туманда солиқлар тўғрисидаги қонунни биладиган инсон топилмаса... Топилади, фақат журъат эта олишмаган айтишга.

Тўғри, ҳокимликнинг ноқонуний хатти-ҳаракатига солиқчилар томошабин бўлиб турган деёлмаймиз. Буйруқларнинг ноқонунийлиги ҳақидаги фикрларни, айниқса, вилоят солиқ бошқармаси туман раҳбариятига бир нча бор билдирди. Қанийди эътибор берилса... Бунинг ўрнига бошқача йўл тутилди .Туман солиқ инспекцияси бошлиғи Баҳодир Эшқобилов раҳбарлигидаги бу ташкилот ходимларининг бундан кейинги текшируви, ҳар бир босган қадамлари алоҳида қаттиқ назоратга олинди.

Шунда туман ҳокими Чори Қўшоқовнинг юрагига балли дегингиз келади. У тап тортмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июлдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ идоралари тўғрисидаги Низомнинг 7-моддаси талабларига қарши иш тутиб, 1993 йил 28 апрелда 101-сонли фармойишини қабул қилди. Мазкур фармойишда туман солиқ инспекцияси томонидан «Бошчорбог», «Қизилча», Ҳамид Олимжон номли хўжаликлар, паррандачилик хўжалиги ва бошқа ташкилотларда даромад солиғи бўйича ўтказган текширувни бекор қилди. Унга ноўрин жарималар ундирилганлиги, иккала томон бараварига далолатномаларга имзо чекмаганлиги асос қилиб олинган. Бу катта шов-шувга айланиб кетди.

Оқибатда вилоят солиқ бошқармасининг қаттиқ талаби ва вилоят ҳокимлигининг аралашуви билан қонунга зид қабул қилинган туман ҳокимлигининг фармойиши ва қарорлари бекор қилинди.

Ўз навбатида Деҳқонобод тумани солиқ инспекцияси бошлиғи Б. Эшқобилов номига ҳам жиддий эътирозлар бор. У ўта бўшанглик кўрсатган. Фактлардан кўз юмган. Кескин чора кўрмаган. Агар бу ўзбошимчаликлар хусусида юқори мутасадди ташкилотларга ўз вақтида хабар қилинганида ноқонуний ҳаракатлар унчалик илдиз отмаган бўларди.

— Деҳқонободда рўй берган кўнгилсиз воқеа бошқа жойларда такрорланмаслиги учун кескин чоралар кўрамиз, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Суюн Каримов. — Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда айтилган танқидий мулоҳазалар Деҳқонобод тумани учун ҳам, қолаверса бошқа жойлар учун ҳам жиддий сабоқ бўлмоғи лозим. Бир сўз билан айтганда, қонунга зид иш тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Юртбошимиз ҳар бир йиғилишда турли поғонадаги раҳбарлар йўл қўяётган қусурлар хунук оқибатларга олиб келаётганлигини алоҳида уқтираяпти. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасида яқинда бўлиб ўтган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқида ислоҳотни жорий қилишдаги тўсиқ ва нуқсонлар ҳақида тўхталиб: «Бу борадаги энг катта душманимиз, у ҳар қадамда учраётган расмиятчилик, кўзбўямачилик, кўнгилсизлик, кишимизга юзаки қарашдир» дея, жуда тўғри таъкидлаб ўтди. Зотан, маҳаллий ҳокимият вакиллари ўзларини қонундан устивор қўймай, барча ҳолларда қонуний асосга, жамиятимизга маъқул бўлган Низом ва бошқа қарорларга таяниб иш юритмоқлари зарур. Шундагина хатога йўл қўйилмайди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА - ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга расмиятчилик билан тўраларча ёндашиш ҳоллари қоралансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов), «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни (Мирзаев), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Усмонов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларига қишлоқда хўжалик юритишнинг кўп укладли шаклларини қарор топтириш дастурини амалда рўёбга чиқариш бўйича ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш юклатилсин.

Икки ой муддатда давлат хўжаликлари ўрнида ташкил этилаётган акционерлик ва кооператив хўжаликлар, уюшмалар ҳамда коллектив қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бошқа турлари учун намунавий тузилмалар ишлаб чиқилсин. Қайта ташкил этилаётган давлат хўжаликларининг муайян шарт-шароитларига татбиқан бу схемаларни рўёбга чиқариш бўйича ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилсин.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш талабларига мувофиқ келмайдиган хўжаликларни ўзбошимчалик билан асоссиз ташкил этиш ҳолларига йўл қўйилмасин.

Бу ишни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шахсий жавобгарлик вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қонунларга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатсинлар, шу йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот тақдим этсинлар.

2. Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Усмонов) қишлоқ хўжалигининг бозор муносабатларига ўтиши бўйича зарур тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказишни таъминламади, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатмаяпти.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига бир ой муддатда Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтини Бозор ислоҳотлари институтига айлантириш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, туман деҳқончилик саноати уюшмаларини тугатиш ҳамда уларнинг ўрнига ўз ишини хўжаликлар билан шартномалар тузиш асосида олиб борадиган сон жиҳатидан катта бўлмаган акционерлик бўлинмаларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсинлар.

Бу органларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай аралашувлари истисно қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари шу йилнинг 1 апрелигача Вазирлар Маҳкамасига зарар кўриб ишловчи хўжаликларни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан, уларнинг бундан буён фаолият кўрсатишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалалар бўйича аниқ таклифлар киритсинлар.

5. 1994 йил мобайнида давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарини, идоравий мансублиги ва ишлаб чиқариш ихтисослашувидан қатъи назар, шу жумладан, уруғчилик хўжаликларини ҳам, хўжаликларнинг давлатга қарашли бўлмаган бошқа турларига айлантириш 1-иловага мувофиқ давом эттирилсин ва тугаллансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари деҳқон (фермер) хўжаликларига 2-иловага мувофиқ қўшимча ер ажратишни назарда тутсинлар ва ушбу мақсадлар учун янги ерларни биринчи навбатда ўзлаштиришни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ерларни деҳқон (фермер) хўжаликларига бериш тартиби тўғрисида таклифлар киритсин. Бунда «Ер тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ер давлат мулки эканлиги ва унинг жамоа хўжаликлари тасарруфида бўлиши назарда тутилсин. Ер деҳқон хўжаликларига, хўжаликлар орқали ер солиғи тўланган ҳолда ва танлов асосида, фойдаланиш учун муайян муддатга берилади.

Боғ ва токзорларнинг кичик участкаларини асосий фондларни сотиб олиш ҳуқуқи билан хусусий мулк қилиб бериш тавсия этилсин.

7. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат — кооператив қўмитаси (Ҳусанов) Давлат мулки қўмитаси (Ғафуров) билан биргаликда икки ой муддатда қўмитани очиқ турдаги акционерлик уюшмасига айлантириш ишларини амалга оширсин. Вилоят ва туман бўлинмалари ҳам очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилсин.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳар бир туманда жамоа хўжаликларига, кооперативларга, деҳқон ва шахсий хўжаликларга, аҳолига моддий-техника ресурслари, эҳтиёт қисмлар, техника сотувчи 2—3 та ихтисослаштирилган дўкон ташкил этишни ва кейинчалик бу дўконларни танлов асосида шахсий мулк қилиб сотишни таъминласинлар.

1994 йилнинг 1 апрелигача ҳар бир туманда шартнома асосида техникага хизмат кўрсатиш ва барча қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш бўйича сервис пунктлари ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов) Давлат мулки қўмитаси (Ғафуров) билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзқишлоқхўжаликкимё» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмасини, унинг вилоят ва туман хизматларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига шартнома асосида агрокимё хизмати кўрсатиш бўйича очиқ турдаги акционерлик уюшмаларига айлантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси шу йилнинг 1 апрелигача ҳар бир туманда аҳолига қишлоқ хўжалиги экинлари уруғи, кўчатлар ва минерал ўғитлар сотадиган дўкончалар ташкил этсинлар.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни сотиб олиниётган техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг нархини арзонлаштириш ҳамда қўшимча харажатларни қисқартириш мақсадида шу йилнинг 2-чорагидан бошлаб жамоа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, деҳқон (фермер) хўжаликларининг моддий-техника ресурслари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри (горизонтал) алоқада бўлишига ўтсинлар.

«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси (Носиров), Молия вазирлиги (Гуськова), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов) қишлоқ хўжалигига сотиладиган минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалар, ёнилғи-мойлаш материаллари, машина ва механизмлар учун давлат дотациялари бериш масаласини ишлаб чиқсинлар ва бу тўғрида таклифлар киритсинлар.

11. «Ўзтадбиркорбанк» (Юсупов) биринчи навбатда деҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик корхоналар, кооперативлар, шахсий ёрдамчи хўжаликларга нақд пулга кичик техника, минерал ўғитлар, чорва моллари, уруғлик ва бошқа моддий ресурслар сотиб олишлари учун уларнинг молмулкини гаровга қўйган ҳолда имтиёзли кредит ресурслари ажратсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет маблағларидан фоизсиз кредит ҳисобига «Ўзтадбиркорбанк»га устав фондини тўлдириш ҳамда қишлоқ тадбиркорларининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун 1 млрд сўм-купон ажратсин.

12. Меҳнат жамоаларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун янада рағбатлантириш мақсадида хўжаликларга давлат томонидан белгиланадиган буюртмалар (давлат буюртмалари) бекор қилинсин. Пахта толаси, дон, чорва моллари, парранда ва сут бундан истиснодир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қайд этиб ўтилган турларига (уларнинг харид ҳажмлари бўйича) қуйидаги ҳажмларда давлат буюртмаси белгилансин: пахта толасига — 75 фоиз, донга — 75 фоиз, чорва моллари ва паррандага 50 фоиз, сутга — 50 фоиз.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни, «Ўзкооптайёрловсавдо» бирлашмаси, «Ўзбекбирлашув» ва бошқа тайёрлов ташкилотлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан шартномалар тузишни шу йилнинг 10 мартигача тугалласинлар. Барча хўжаликларга етказилсинки, экин майдонлари таркиби ва маҳсулот етиштириш ҳажмлари тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналари билан тузилган шартномалардан, шунингдек, бозорларда маҳсулотга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда улар томонидан мустақил белгиланади.

14. 1994 йил 1 январдан бошлаб қишлоқлар ҳудудида жойлашган ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва корхоналар бўйича даромадларга солинадиган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қайд этиб ўтилган масала бўйича, шунингдек, умуман республика деҳқончилик саноати мажмуида солиқ солиш тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар киритсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни 1994 йил 1 апрелгача хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини уларнинг бозор иқтисодиёти масалаларини билишларини ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида қайта аттестациядан ўтказсинлар. Жамоа хўжаликлари, кооперативлар, деҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик ишлаб чиқаришлар раҳбарларини бозор шароитларида хўжалик юритишнинг асосий принципларига ўргатиш, маҳсулот етиштириш ва сотишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилсин.

16. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси (Носиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришнинг муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялар ҳамда зарур миқдорда янги иш ўринлари яратишни ўз ичига олувчи Дастурини ишлаб чиқишни таъминласин. Ишларнинг қандай бораётганлиги йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасининг Деҳқончилик саноати мажмуи мажлисида кўриб чиқилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Деҳқончилик саноати мажмуи (И. Ҳ. Жўрабеков)га юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова

1994 ЙИЛДА КООПЕРАТИВ ВА МУЛКЧИЛИКНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИГА АЙЛАНТИРИЛАДИГАН ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ СОНИ

	1994 йил 1 январгача давлат хўжаликларининг сони	Давлатга қарашли бўлмаган корхоналарга айлантириладиганлар	
		1994 йил 1 майгача	1994 йил охиригача
Қорақалпоғистон Республикаси	26	15	11
вилоятлар:			
Андижон	8	4	4
Бухоро	18	10	8
Жиззах	23	13	10
Қашқадарё	43	25	18
Навоий	43	23	20
Наманган	10	6	4
Самарқанд	33	19	14
Сурхондарё	18	10	8
Сирдарё	8	5	3
Тошкент	25	14	11
Фарғона	5	3	2
Хоразм	5	3	2
Жами:	**265**	**150**	**115**

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 2-илова

1994 ЙИЛДА ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЕР АЖРАТИШ

(минг га)

	Қўшимча равишда ер ажратиш		
Қорақалпоғистон Республикаси	14,0	Наманган	4,0
вилоятлар:		Самарқанд	9,0
Андижон	3,0	Сурхондарё	8,0
Бухоро	11,0	Сирдарё	9,0
Жиззах	9,0	Тошкент	6,0
Қашқадарё	13,0	Фарғона	5,0
Навоий	5,0	Хоразм	4,0
		Жами:	**100,0**

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ

Жўрабеков И. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — ташкилий қўмита раиси

Умурзоқов М. Б. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси — ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

Қорабоев М. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

Абдулазизов Ш. — Вазирлар Маҳкамаси бўлимининг мудири — ташкилий қўмитанинг масъул котиби

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ:

Жўраев Х. Р. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Аҳроров С. А. — «Ўздавкинокомпания» раисининг биринчи ўринбосари

Алматов З. — ички ишлар вазири

Воҳидов Э. — Ўзбекистон халқ шоири

Гуськова Т. Н. — молия вазирининг биринчи ўринбосари

Жалолов А. С. — «Ўзбекбирлашув» раиси вазифасини бажарувчи

Жўрабоев А. — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири

Жабборов А. Ж. — Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг шўъба мудири

Жамолов Ҳ. Б. — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

Кенжабоев М. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти

Каримов Ш. И. — соғлиқни сақлаш вазири

Орипов А. — Ўзбекистон халқ шоири

Раҳимов Б. — Ўзбекистон уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси

Раҳимов К. — алоқа вазири

Расулов К. Р. — республика байналмилал маданий марказининг раиси

Рўзиев С. — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

Саидов И. Н. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти

Тешабоев А. — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитасининг биринчи котиби

Темуров Ш. — «Маҳалла» жамғармасининг раиси

Усмонов М. З. — «Ўзбексавдо» уюшмасининг раиси

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими

Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири, ЭКОСАН жамғармасининг раиси

Шоғуломов Р. Ш. — Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раиси

Яҳёев Ш. Ғ. — «Ўздавтелерадио» компанияси раиси

Қаюмов Н. — қишлоқ хўжалиги вазири

Ҳазратқулов М. — Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг бош директори

Ҳайитбоев Э. Қ. — маданият ишлари вазири

Юсупова Б. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари

Сандов Н. — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари

Халилов А. — Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари

Чилгашев Ш. Б. — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари

Раҳмонов Р. — Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Фахриддинов Х. Б. — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари

Турсунов Н. М. — Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари

Худойқулов А. — Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари

Ризоқулов Х. — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Абдуллаев М. — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Ҳамидов Ҳ. — Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари

Қурбонов Т. — Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари

Жуманиёзов М. — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари

Жалилов Ш. И. — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари

Шодмонқулов И. — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари

ЧОРВАЧИЛИКДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ФЕРМАЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

да (1994 йилнинг 25 мартига қадар) таклифлар киритсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари аниқ табиий-иқтисодий зоналарни ва ҳар бир хўжаликнинг ер ресурсларини ҳисобга олган ҳолда, 1994 йилнинг 1 апрелигача деҳқон (фермер) хўжаликларига шартли ҳар бош чорва моли ҳисобига Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида — 0,3 гектардан, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда — 0,45 гектардан суғориладиган ер, лалмикор ерларда эса 2 гектардан ер ажратилсин.

Мазкур банднинг бажарилиши юзасидан 1994 йилнинг 15 апрелига қадар Вазирлар Маҳкамасига маълум қилинсин.

4. Хусусийлаштирилган фермаларнинг хўжалик фаолиятига қорамолларнинг бош сонига қараб баҳо беришга чек қўйилсин, асосий эътибор моллар маҳсулдорлигига, шартнома мажбуриятларининг бажарилишига қаратилсин. Жамоа фермаларининг ва деҳқон (фермер) хўжаликларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига хўжаликлар ва туман ташкилотлари раҳбарларининг ҳар қандай аралашувларига барҳам берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор билан белгиланган имтиёзли шартлар камида 30 шартли бош чорва моллариga эга бўлган деҳқон (фермер) хўжаликларига татбиқ этилади. Бу танлов асосида ташкил этилаётган деҳқон (фермер) хўжаликларини рўйхатга олиш чоғида қўйиладиган асосий талаб бўлиши керак.

6. «Ўзтадбиркорбанк» (Юсупов) техника, ёнилғи-мойлаш ва қурилиш материаллари, қорамоллар, асбоб-ускуналар ва механизациялаш воситалари сотиб олиш учун хусусийлаштирилган фермаларга ва деҳқон (фермер) хўжаликларига, улар мулкини гаровга қўйган ҳолда, камида 10 йил муддатга чекланмаган миқдорда кредитлар ажратсин. Юқори маҳсулдор чорва моллари сотиб олиш учун камида 5 йил муддатга имтиёзли кредитлар берсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 октябрдаги 501-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзбексавдо» давлат уюшмалари, «Ўзкооптайёрловсавдо» бирлашмаси, бошқа тайёрлов ташкилотлари хусусийлаштирилган фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликларидан маҳсулотларни шартномавий (эркин) нархлар бўйича тўсиқсиз қабул қилиб олишни таъминласинлар.

8. «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» (Аҳадов), «Ўзқурилишсаноатбанк» (Ибодов) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тайёрлов ташкилотларига ва савдо корхоналарига зарур кредитлар ўз вақтида ажратилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги (Қаюмов), «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни (Мирзаев), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Усмонов) жамоа фермаларини ва деҳқон (фермер) хўжаликларини талаб қилинган миқдорда уруғликлар, минерал ўғитлар, дори-дармонлар, наслдор моллар билан таъминласинлар, моллари сунъий уруғлантиришда ва зооветеринария хизмати кўрсатишда уларга ёрдам кўрсатсинлар.

10. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» (Ҳусанов) хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари учун уларнинг талабномаси бўйича 1994 йил мобайнида юк ташиш транспортлари, тракторлар, бошқа техникалар ажратсин. Жойларда «Техчорвасервис» бирлашмаси бўлинмаларининг фаолияти кучайтирилсин, уларнинг буюртмаларига биноан кичик техника ва бошқа асбоб-ускуналар етказиб беришни таъминласин.

11. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси (Муҳитдинов), «Ўздонмаҳсулот» давлат концерни (Тен), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов) 1994 йилда хусусийлаштирилган фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликлари учун алоҳида сатрда, 1-иловага мувофиқ ҳажмларда омихта ем фонди ажратсинлар.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари ажратилган ем-хашакка мувофиқ маҳсулотларни шартнома шартларида хўжаликлар ҳисобига топширишлари мумкин.

12. «Ўзозиқовқатсаноат» концерни (Ҳамидов), «Ўздонмаҳсулот» концерни (Тен), чорвачилик фермаларига ажратилган омихта ем, шулха ва шрот билан ўз вақтида ҳамда сифат бўйича андозаларга қатъий риоя қилган ҳолда тўлиқ етказиб беришни таъминласинлар.

13. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси (Муталов) Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда гўшт ва сутни қайта ишлаш бўйича республика, Қорақалпоғистон Республика ва вилоят акционерлик уюшмаларини очиқ турдаги акционерлик уюшмаларига айлантирсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда «Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимидаги паррандачилик фабрикаларини очиқ турдаги акционерлик уюшмаларига айлантирсин. Уларнинг банк ссудалари ва кредитлари бўйича қарзларини тўлаш муддати 5 йилга узайтирилсин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттуз а т и ш », «Ўздавқишлоққурилишлойиҳа» институти 1994 йил мобайнида деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар учун, маҳаллий арзон қурилиш материалларидан кенг фойдаланилган ҳолда кичик ва ўрта фермалар лойиҳаларини ишлаб чиқсинлар.

«Ўзколхозқурилиш», «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмалари ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузат и ш » давлат-кооператив қўмитаси ва бошқа қурилиш ташкилотлари фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида намунавий лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш объектлари қуришни ва уларни тайёр ҳолда фойдаланишга топширишни таъминласинлар, қурилиш ташкилотлари ушбу ишлаб чиқариш объектлари бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

16. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси деҳқон (фермер) хўжаликларининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ёнилғи-мойлаш материалларини 2-иловага мувофиқ миқдорда ажратсинлар.

17. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги солиқлар ва тўловлар ставкаларини 50 фоизга камайтиришни, ер солиғи тўлаш бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар коллектив хўжаликлар (жамоа хўжаликлари ва кооперативлар) орқали амалга оширилишини назарда тутган ҳолда деҳқон (фермер) хўжаликларига, хусусийлаштирилган фермаларга солиқ солиш тизимини ўзгартириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси билан биргаликда барча хусусийлаштирилган фермалар ва деҳқон (фермер) хўжаликлари жамоаларига бозор иқтисодиёти асослари, ишлаб чиқаришни мустақил юритиш усуллари бўйича таълим бериш дастурини ишлаб чиқсинлар ва ўқитишни кенг йўлга қўйсинлар.

19. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Деҳқончилик саноат мажмуига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 1-илова

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА 1994 ЙИЛДА ДАВЛАТ РЕСУРСЛАРИДАН АЖРАТИЛАДИГАН КОНЦЕНТРАТ ОЗУҚАЛАРНИ СОТИШ ҲАЖМИ

(минг тонна)

	Концентрат озуқаларнинг ҳаммаси	шу жумладан	
		омихта ем	кунжара
Қорақалпоғистон Республикаси	22	15,4	6,6
вилоятлар:			
Андижон	7,5	5,3	2,2
Бухоро	8,3	5,8	2,5
Жиззах	15	10,4	4,6
Қашқадарё	22,3	15,6	6,7
Навоий	4,2	2,9	1,3
Наманган	8,8	6,2	2,6
Самарқанд	19,5	13,6	5,9
Сурхондарё	6,7	4,7	2,0
Сирдарё	5,9	4,1	1,8
Тошкент	4,3	3,0	1,3
Фарғона	4,8	3,4	1,4
Хоразм	13,7	9,6	4,1
Жами:	**143**	**100**	**43**

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига 2-илова

1994 ЙИЛДА ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИ ЭҲТИЕЖЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛАДИГАН ЁҚИЛҒИ-МОЙЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МИҚДОРИ

(минг тонна)

	дизель ёнилғиси	автомобиль бензини
Қорақалпоғистон Республикаси	21,4	8,2
вилоятлар:		
Андижон	7,3	2,8
Бухоро	11,7	4,7
Жиззах	12,5	4,9
Қашқадарё	19,5	6,2
Навоий	4,4	1,9
Наманган	7,3	3,0
Самарқанд	11,9	4,9
Сурхондарё	11,2	4,5
Сирдарё	12,8	5,2
Тошкент	9,6	3,7
Фарғона	8,1	3,2
Хоразм	7,3	2,8
Жами:	**145,0**	**56,0**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси Бектош Раҳимович Раҳимов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1994 йил, 22 февраль.

ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

Миллий мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, жамиятимизда маънавий янгиланиш жараёнлари жадаллашган сари халқимизнинг турли тоифаларида Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини, истиқболимизни идрок этиш, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатни, мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўлининг хусусиятлари ва моҳиятини англаш ҳам кучаймоқда. Зотан, бундай шароитда эзгу, орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришнинг йўл ва воситалари тўғрисида аниқ тасаввурларга эга бўлишга, қадимий анъаналарга бой маданиятимизни ривожлантиришга интилиш ҳам табиий бир ҳолдир. Шу сабабдан меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллаларда турли мулоқотлар, учрашув ва суҳбатлар кўплаб уюштирилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири кеча Тошкент меъморчилик-қурилиш институтида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби, Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А. Жалолов мазкур билим масканининг профессор-ўқитувчилари билан «Мустақиллик, маънавият ва мафкура» мавзусида мулоқот қилди, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

«ИШИМИЗНИНГ КЎПЛИГИДАН ЗОРЛАНМАЙМИЗ»

Қумқўрғондаги Ш. Мирзаев номли жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро Рўзи Бакиров ҳайриятки туман кенгаши бор экан, деб худога шукр қилди.

Бакиров 40 йил трактор-чи бўлиб ишлаган одам. Тўрт йилдирки, шол бўлиб ётибди. Нажот сўраб у-бу идорага мурожаат қилди ва қуруқ ваъда олишдан бўлак ҳеч нарсага эришолмади. Ва бир куни ХДП туман кенгашининг котиби С. Зуннунова уларнинг ҳолидан хабарлашди.

Шу ташрифдан сўнг ногиронинг вояга етмаган икки фарзандига нафақа тайинланди. Хўжаликдан арзон нарх билан буғдой харид қилдилар. Савдо ташкилоти Бакировнинг набиралари учун кийим-кечак сотди.

— Кенгашимизга Бакировга ўхшагандан тушаётган аризалар кўп, — дейди партия котиби. — Ишимизнинг кўпайиб қолаётганидан эса табиийки зорланмаймиз.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР •

МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАНИНГ, ҚАНДУ АСАЛ ТОТГАНИНГ

Одатда хўжалик раҳбарларининг уйи ҳам, ҳовли жойи ҳам бошқаларникидан бирмунча ажралиб туради. Раҳбарлик ҳадисини эгаллаб эгалламай, данғиллама иморатни бошлаб юборганларни ҳам кўп кўряпмиз. Яқинда Ховос туманидаги Темирязев номли давлат хўжалигида бўлганимизда директор бизни бир пиёла чойга таклиф қилди. Йўл-йўлакай бироз суҳбатлашиб кетдик.

Сувонқул Худойбердиев асли Сармиш қишлоғидан. Шу ерда ўрта мактабни битирди. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатди. Ҳосилотлик касбини эгаллади. Дастлаб оддий ҳосилот, бош ҳосилот муовини, бош ҳосилот бўлиб ишлади. Ҳалол меҳнати, билими, маҳорати, энг асосийси, камтар ва ҳалоллиги учун қишлоқдошлари ҳурматини қозонди.

1986 йили иқтисоди ўтириб, давлатдан қарз бўлиб қолган хўжаликнинг раҳбарлигига лойиқ кўришди. Лойиқ кўришдигина эмас, одамларнинг кўпчилиги унинг директор бўлишини сўраб юқори ташкилотларга мурожаат ҳам қилишди.

— Қишлоғимиз кишилари меҳнаткаш, лозим бўлса кеча-кундуз тер тўкишади, — дейди Сувонқул акауфққа бош қўяётган қип-қизил баркашдек қуёшга қараб. — Лекин алдам-қалдамликни, ҳақсизликни кечиришолмайди. Шунинг учун ҳам илгарилари юқори ташкилотларга тушадиган шикоятларнинг кўпчилиги хўжалигимиздан чиқарди. Худога шукур кейинги пайтда биронта шикоят ёзилмади.

— Мана етиб келдик, — деди директор қиялик ёнбошига қурилган уй олдида машинани тўхтатаркан. Хиёл тепага кўтарилиб, оддийгина дарвозадан ҳовлига кирамиз. Ҳовлига туташиб кетган боғ. Узум сўрилари, олма-ўрик, нок дарахтлари. Ҳув нариёқда молхона. Сигир, қўй... Оддий қишлоқ хонадонининг ўзгинаси. Ажралиб турадиган жойининг ўзи йўқ.

Чоғроқ хонага кирдик. Ортиқча ҳашамдан, дабдабали мебелу жиҳозлардан холи. Дастурхонда олма, нок, майиз, туршак, қовунтарвуз, қатиқ, сарёғ. Тандирда ёпилган бўрсилдоқ нон. Маълум бўлишича, ҳаммаси хонадоннинг ўзидан чиқаркан. Ўғил-қизлар, келинлар меҳнати билан бунёд бўлган.

— Шароитимиз оғир, — дейди директор суҳбатни давом эттириб. — Бу ерларда деҳқончилик қилиш, мева, узум етиштириш, чорвачилик билан шуғулланишнинг ўзи бўлмайди. Чунки ерларимизнинг асосий қисми лалми. Тоғ ва қирликлар баҳраманд бўлишига имкон яратишга кафолат берадиган саркорга кўп нарса боғлиқ.

Сувонқул Худойбердиев 1986 йили давлат хўжалигига раҳбар бўлиб келганида совхоз давлатдан бир миллион сўм қарздор эди. Бу ўша давр учун жуда катта пул. Даромад, фойда бўлмагач, одамларда меҳнатга иштиёқ бўлармиди! Шунинг учун ҳам кўпчилик далага номига чиқиб қўл учида ишлаб қайтарди. Асосий эътиборни томорқасига, мол-ҳолига қаратарди. Мавридини топиб буғдойдан, сомондан ўмарарди ҳам. Чунки бошқа иложи ҳам йўқ. Совхоздан даромад чиқмагандан кейин яшаш ҳам керак-да!

Янги директор ишни интизомдан бошлади. Меҳнатга яраша ҳақ тўлашни қатъий йўлга қўйди. Чўнтаги пул кўрган одамларда ишонч пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига туртки бўлди. Хўжаликда ҳар ким меҳнатига яраша, деган сўз қоидага айланди. Ҳалол, баракали ишлаганларга худо берди. Аксинча далага йўлига чиқиб юрганларнинг сири очилди. Бу эса одамларни изланишга, тадбиркорликка ўргатди. Натижада хирмонларга барака, хонадонларга даромад кирди. Хўжалик иқтисоди юксалиб, қарздан фориғ бўлди. Ишбошига 10 центнер атрофида ҳосил олинса юқори кўрсаткич ҳисоблашади. Чунки айрим жойларда суғориладиган майдонларда ҳам шунча ҳосил олаётганлар бор. Қаловини топсанг қор ёғар, деганларидек Темирязев номли давлат хўжалигида лалми ерларда мўл ҳосил етиштираётганлар талайгина.

Масалан, миришкор деҳқон Э. Дўстназаров етакчилигидаги бригада ўзига бириктирилган буғдойзорларнинг ҳар гектаридан 22,5 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлди. М. Расулов бошлиқ бригада аъзолари эса 32 гектар ердан гектар бошига қариб 70 центнердан маккажўхори дони тайёрлаб ўрнак кўрсатдилар. Шунингдек, Ўрол Тожибоев, Сайдал Пирматов, А. Абдуқодировлар етакчилик қилаётган бригада азаматлари бор маҳоратларини ишга солиб, ғалла ҳосилдорлигини 13—17 центнерга етказдилар. Ҳозир хўжаликда илғорларнинг иши синчиклаб ўрганилмоқда. Ўйлаймизки, уларнинг тажрибасини кенг ёйиш бу йилги ялпи ғалла хирмонининг янада юксалишига албатта ёрдам беради.

Хўжаликда сўнгги йилларда ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли адо этиш қатъий қоидага айланган. Ўтган йил кузда 3700 гектар ерга оби-тоғ ёмғирлардан мўлжалдагидан анча зиёд сут соғиб олинмоқда. Бунга етарли миқдорда ем-хашак жамғарилганлиги билан бир қаторда чорвадорларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун қулай шароит яратилганлиги туфайли эришилаётир. Айниқса, сигир соғувчилар ва молбоқарларни моддий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Масалан, сигир соғувчи агар бир литр сут соғиб олса, режа бўйича 11 сўм 50 тийин олиши керак. Амалда эса 16 сўм тўланаётир. Меҳнатлари қадр топаётганини билган сигирсоғарлар энди говмишлар парваришини ҳам назорат қилиб боришяпти. Натижа эса ёмонмас. Борган сари топширилаётган сут миқдори ҳам, унинг ёғлилиги ҳам ортиб бормоқда.

Қишлоқда ҳозир мол-ҳол қилмаса бўлмайди. Уларни боқиш эса айримлар ўйлаганчалик осон иш эмас. Қаровчи бўлгани билан озуқа масаласи қийнаб қўйиши мумкин. Давлат хўжалиги маъмурияти аҳоли қўлидаги молларга ҳам ем-хашак бермоқда. Чорвадорлар эса, уни арзон нархда олишяпти. Бундан ташқари совхозда ишловчиларга хўжалик далаларида етиштирилган дондан тортилган ун килоси 150 сўмдан сотилмоқда.

Қишлоқда 2 та тегирмон, мойжувоз тинимсиз ишлаб турибди. Одамлар томорқаларида етиштирилган ҳамда давлат хўжалигидан олган буғдойларини торттириб олишаяпти. Шунинг учун ҳеч ким ундан, нондан қийналмаётир.

Маълумки, қишлоқларда ишчи кучи кўп. Айниқса, аёлларга кўпинча иш топилмайди. Ваҳолонки, жойларда етиштирилган хом ашёни қайта ишлашни йўлга қўйиш билан ҳам одамларни иш билан таъминлаш, ҳам қўшимча катта фойда олиш мумкин. Совхозда ана шу масалага жиддий эътибор берилмоқда.

Юқорида айтганимиздек, йилига давлат хўжалигида тонна-тонна жун тайёрланади. Унинг бир қисми ҳозир қишлоқда очилган гилам цехида ишлатилаётир. Бу ерда ишлаётган 40 дан зиёд аёл тўқиётган гиламлар жуда харидоргир. Ҳатто кейинги ойларда тўқиладиганларига ҳам буюртмалар бериб қўйилган. Бундан ташқари, вилоят маҳаллий комбинати билан ҳамкорликда ташкил этилган цехда маҳаллий хом ашёдан турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаяпти. Бу ерда меҳнат қилаётган 40 дан зиёд аёлнинг кўпчилиги уйда ишлайди. Бу оила даромадига катта наф бермоқда.

«Умид» деб номланган кичик корхона ишидан кўпчилик хурсанд. Жамоа аъзолари одамларга иморат солишда катта ёрдам бермоқда. Шунингдек, дурадгорлик билан шуғулланувчи 10 кишилик кичик корхона тайёрлаётган эшик, ром ва бошқа буюмларга талаб кучли.

Ҳозир қиш бўлишига қарамай давлат хўжалигининг қаерига борманг қизғин меҳнат устидан чиқасиз. Отларда қўзилатишга катта тайёргарлик кўрилаяпти. Далаларда экинни озиқлантириш билан бир қаторда устахоналарда ўрим-йиғим техникасини созлаш авжида. Мавжуд хашак ўрадиган машина-механизмлар ишга тахт қилиб қўйилган. 12 та ғалла ўрадиган комбайн 1 мартгача тайёр бўлади.

Хуллас, Ховос туманидаги Темирязев номли давлат хўжалиги деҳқонлари ҳам, чорвадорлари ҳам, боғбону соҳибкорлари ҳам 1993 йилда эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, бор маҳоратларини ишга солиб, бундан ҳам юқори марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар. Зеро, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари туфайли юз берган ҳозирги бирмунча оғир шароитда фойда кўриб ишлаётган, омилкорлик билан эл дастурхонини тўкин қилиб, ўзлари ҳам фаровон яшаётган тадбиркорлар тажрибаси кўпчилик учун ибратлидир.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

МОЛИ СЕМИЗНИНГ ДАВЛАТИ ЭГИЗ

Кўҳна Бухоро азалдан ажойиб меҳнат анъаналарига эга. Халқи меҳнаткаш. Вилоятда амалга оширилаётган ибратли ва ўрганса арзийдиган ишлар бор. Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича муайян ишлар қилиняпти. Масалан, Бухоро вилоятининг Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигидан Мустафо Файзуллаевнинг фермер хўжалиги чорва маҳсулотлари етиштиришда республикамизда яхши кўрсаткичларга эришган.

Хўжалик ишни 1989 йилда бошлаган пайтда унинг бор-йўғи 6,5 гектар ери бўлган. Ҳозир эса озуқабоп экин майдони 22 гектарга етди. Хўжаликда олти киши ишлайди, холос. 1993 йилда давлатга 29 тонна гўшт, 56 тонна сут сотди. Ҳар бир сигирнинг маҳсулдорлиги 3120 килограммга, гўштга топширилган қорамолнинг ўртача вазни эса 763 килограммга етган. Ялпи даромад 22 миллион сўмни ташкил этади. Ҳар бир фермер хўжалиги ходимининг ойлик маоши 218 минг сўм.

Вилоятда ҳозир фермер хўжаликлари сони 1762 та. Шундан 298 таси мустақил иш юритаётган хусусийлаштирилган фермер хўжаликларидир. Уларда жами 12.027 та қорамол бўлиб, кунига 18,9 тонна сут, 7 тонна гўшт етказиб бериляпти...

Ромитан районидаги Ибн Сино жамоа хўжалигидан Теша Тошев бошлиқ хусусийлаштирилган «Озод» фермаси эришаётган ютуқлар ҳам кишини қувонтиради. Теша аканинг суяги асли деҳқончиликда қотган. Чорва ишини яхши билади. Фермерликни дастлаб 6 бош қорамол билан бошлаган эди. Ўшанда давлатдан 30 минг сўм қарз олди. Мол сотиб олиб, маҳсулдор, зотдор сигирларни кўпайтирди. Ҳозирда қаровида 115 бош қорамоли бор. Шундан 25 таси соғин сигир. Ҳар биридан кунига 10 килограммдан сут соғиб оляпти. Фермада бор йўғи 12 киши ишлайди. Бу оилавий фермер хўжалиги ўтган йили давлатга 37 тонна гўшт, 80 тонна сут топширди. 10 гектар ерга озуқабоп экинлар экиб, улардан мўл ҳосил оляпти. Озуқабоп экинларни алмашлаб экиш йўлга қўйилган. Фермада барча ишлар механизациялаштирилган.

— Ҳозирги пайтда мавжуд жойимиз торлик қилиб қолди, — дейди Теша фермер. — Янги бостирма қурмоқчимиз. Жамоа хўжалиги ҳам қўлдан келганича ёрдам беряпти. Раҳмат. Қишга озуқамиз етарли. 1 литр сут олиш учун 2—2,5 озуқа бирлиги сарфлаяпмиз. Мақсадимиз эл дастурхонига мўл чорва маҳсулотлари етказиб бериш...

Теша ака фермерликни шунчаки эрмак ёки бойлик орттириш манбаи, деб билмайди. Энг муҳими, унинг дилида эл дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшсам деган эзгу нияти бор.

Шундайлардан бири Ғиждувон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг Рустам Файзиев бошлиқ хусусийлаштирилган фермер жамоасидир. Рустам аслида ёшлигидан мол боқишни хўш кўрган. Мустақиллик шарофати туфайли орзуси амалга ошди. Энди беш-олтита эмас, бир йўла 200 та қорамол боқяпти. Янги бостирма, оғилхона қурмоқчи. Чорва маҳсулотларини қайта ишловчи цех бунёд этиш ниятида елиб-югуряпти. Колбаса цехи ҳам қурмоқчи. Хуллас, ниятлари катта. Айни пайтда 65 та сигирнинг ҳар биридан 10—12 литр сут соғиб олаяпти. 20 гектар ерни яна 10 гектарга кенгайтирмоқчи. «Емхашак, озуқа етарли, — дейди у. — Ўтган йили 153 тонна сут, 10 тонна гўшт топширдик».

Ҳа, Бухорода бундай марду майдон фермерлар кўп. Уларнинг ҳалол ва баракали меҳнати туфайли эл дастурхони тобора тўкинлашиб бораяпти. Моли семизнинг давлати эгиз, деганларидек ташаббускор, тадбиркор ишбилармонлар ўз навбатида меҳнатларига яраша тўқ, фаровон яшашмоқда.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Теша Тошев набиралари Шобиддин ва Эркин билан.

2. Рустам Файзиев бошлиқ хусусийлаштирилган ферма хўжалиги бригада бошлиғи Самандар Ҳамидов сут соғувчилар М. Ражабова ва Ф. Холова билан.

Александр КАНУШКИН олган суратлар.

ТОЛМАС ҚАНОТЛАР

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармон барча тадбиркорлар, айниқса, шу соҳада тер тўкаётган ёшларга катта умид бағишлади.

Андижон вилоятида ҳам бу борада кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. 23—26 февраль кунлари ўтказилаётган республика ёш тадбиркорларининг илмий-амалий анжумани шундай хайрли ишлардандир.

Бундан икки ярим йил бурун Азимжон Камолов Булоқбошидаги кооператив тайёрлов савдо бирлашмасига раис этиб тайинланганди. Унинг ўзидан бошқа ходими, уйидан бошқа идораси йўқ эди. Аввал атрофига тадбиркор, ишбилармон кишиларни йиғди. Иброҳимжон Эрматов, Тожиддин Ёдгоров, Бегижон Қодиров, Холматжон Ёқубов, Анвархон Охунов, Абдумуталлиб Бакиров каби ёш ишбилармонлар Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ўлкаларига боришиб, аҳоли қўлидаги ортиқча сабзавот ва полиз маҳсулотларини сотиб умумий ишга катта наф келтирдилар.

Мол айирбошлаш ҳисобига юртимизга картошка, ёғоч, қурилиш материаллари ва бошқа зарур нарсалар келтирилди.

Ҳозирги совуқ кунларда бозор ва дўконларни маҳсулотлар билан таъминлаш учун 100 тонна гуруч, 500 тонна пиёз, минг тонна картошка, 350 тонна сабзи ва бошқа маҳсулотлар заҳирага қўйилган. Ишнинг яхши ташкил этилиши натижасида шу кунгача келтирилган фойда ҳисобидан 12 хонали замонавий идора, 100 ўринли ошхона, 40 тонна юк тортадиган торози, 70 метрли уч хил маҳсулот сақланадиган шийпон, техник ходимлар учун уч хонали иш жойи, қоровулхона ишга туширилди. Ташкилотнинг 1993 йилдаги яна бир янги ютуқларидан бири шуки, янги йил арафасида мевалардан шарбат тайёрлайдиган ва 25 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи қандолатчилик цехлари ишга туширилди. Бирлашма ўз фаолиятини бошлаган 1991 йилнинг июль ойида 5—10 одам меҳнат қилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 250 га етди.

Бирлашмада муаммолар ҳам йўқ эмас. Бошқарув ҳайъати ташкилот ходимларининг талаб ва истакларини инобатга олиб, шунингдек барча корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳақидаги қарорга асосан Булоқбоши кооператив тайёрлов савдо бирлашмасини тўла хусусийлаштириш ҳақида ўзининг 1993 йил қарорини юқори ташкилотларга етказганлигига қарамай шу вақтгача у амалга оширилмади. Зеро, одамлар Азимжон Камоловнинг номини тилга олишса тадбиркор сифатини қўшиб айтишади.

Бирлашма тушган фойда ҳисобидан туман болалар боғчаларига ёрдам учун 250 минг сўм, Булоқбоши марказида қайта тикланаётган мадрасага 96 минг сўм ўтказди. Ўз ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун бирлашмада тушлик овқат бепул қилинган. Уларни ишга олиб келиш ва олиб бориб қўйиш учун машина ажратилган.

Албатта, ҳам элни, ҳам ўз ходимларини ўйлаб иш олиб борган ҳеч вақт кам бўлмайди. Тадбиркор Азимжон Камолов ва ходимларининг келгусида қиладиган эзгу ишлари жуда кўп. Бу ишларда уларга омад тилаб қоламиз.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Хорижлик ватандошларнинг дил сўзлари* •

«ЎЗБЕКИСТОННИ МАККАДЕК МУҚАДДАС ДЕБ БИЛАМИЗ...»

Улуғ олим ва шоир, буюк саркарда, ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 511 йиллиги арафасида Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг ҳинд тилида эшиттиришлар бўлими катта муҳаррири Аҳмаджон Қосимов Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ҳиндистондаги бобурийлар авлоди жамияти» раиси жаноб Знёвуддин ТУСИЙ билан суҳбатда бўлди. Суҳбатда жаноб Тусий, жумладан қуйидагиларни баён қилди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Аввало, ҳазрат Бобур ижоди ва шахсиятининг Ўзбекистондаги барча мухлисларини қутлуғ Рамазон ойи билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон бизнинг азим ва муқаддас ота-боболаримиз диёридир. Мукаррам бу юртнинг биргина фарзанди — ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур номининг ўзи афсонавий бир тарих.

Бобомиз ҳазрат Бобур таваллуд топган, ул муҳтарам зоти олийларининг авлодлари истиқомат қилиб келаётган юртни кўриш бизнинг эзгу орзуимиз, олдимизда турган энг катта фарзимиз эди.

Ўзингизга маълум, бобурийлар сулоласининг даванчиси ҳазрат Баҳодиршоҳ Зафар зурёдлари 1857 йилда Ҳиндистонда озодлик ҳаракатлари бошланиши сабаблари инглизлар тазйиқига учради. Унинг бутун авлодларини йўқ қилмоқчи бўлдилар. Биз неча йиллар давомида ўз номимизни, насл-насабимизни сир сақлаб, беркиниб яшашга мажбур бўлган эдик. Бу орзуларимиз армон бўлиб қолармикан, деган ҳаёл дилларимиздан дамбадам ўтиб турса-да, Оллоҳ таолога илтижо билан яшардик. Волидаи муҳтарамамиз Бегим Соҳиба Лайло Уммахони энг оғир кунларида ҳам кўнглимизни чўктирмас эдилар. Балким, авлодлар қонидаги сабр-қаноат, бардош бизнинг шу кунларга етиб келишимизга сабаб бўлгандир.

Ўзбекистон Президенти муҳтарам Ислом Каримов жанобларининг ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд тўйларини ўтказиш ҳақидаги фармонлари бизни нечоғлиқ қувонтирганини сўз билан ифода этиш қийин. Ҳиндистондаги Бобур авлодларининг бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрти билан боғланишида Ўзбекистон юртбошиси Ислом Каримов жанобларининг хизматлари беқиёсдир. Бу улуғ зотнинг авлодларимиз руҳини ёдга олиб қилган ишлари чексиз таҳсинга лойиқ. У кишининг бизга кўрсатган эътиборлари, меҳрибонликларини ўзимиз учун олий фахр деб биламиз ва умр бўйи унутмаймиз. Биз ҳар намозимизда ҳурматли Ислом Каримов жанобларининг соғлиқларини, улуғ инсонлар юрти Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашини, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторидан жой олишини Аллоҳ таолодан тилаймиз.

Укаларим Масиҳиддин ва Шажониддин Тусий билан муқаддас Ўзбекистонга қилган сафаримиз, ўзбек халқининг бизга нисбатан меҳр-муҳаббати, биз учун табаррук бўлган, ҳазрат Бобур киндик қони тўкилган Андижон шаҳрида бўлиш кўнгилларимизни беҳад қувонтирди. Қалбимиз қаъридан тошиб чиқаётган қувонч ёшларимизни тўхтатиб қолишга кўзларимиз ожизлик қилди. Андижон шаҳридаги ҳазрат Бобур бобомиз номидаги боғ, у кишининг рамзий мақбара ва сиймоси, Андижон халқи айниқса Бобур номли Халқаро жамғарма фаолларининг ишлари таҳсинга лойиқдир.

Ўтган йили Бобур номли Халқаро жамғарма аъзолари ҳазрат Бобур қадамжолари бўйлаб сафар билан бизнинг хонадонимизда бўлганларида, унинг ранси жаноб Зокиржон Машрапов Андижондаги «Боғи Бобур» ҳақида сўзлаганларида қувонч ва ғурур ёшларини яшира олмаган эдик. Тангрига минг бор шукрлар бўлсинки, шу боғларни кўриш, зиёрат қилиш насиб этди.

Биз Ўзбекистонни Маккадек муқаддас деб биламиз. Биз учун бу қадимий ўлкадай гўзал ва азиз замин йўқ. Шундай ноёб бахтни бизга ҳадя этган ҳурматли Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жанобларига ёзма мулоқотда бўлганимиздан бошимиз кўкка етди. Биз инсониятнинг тафаккур машъаллари бўлмиш Имом Бухорий, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби улуғ инсонларга тарихий жиҳатдан ватандош эканлигимиз билан ҳамиша ифтихор қиламиз.

Минг афсуски, улуғ бобомиз юртида бўлиб, унинг азиз кишилари билан бир тилда сўзлашиш имконига эга бўлаолмадик — таржимон хизматидан фойдаландик. Лекин қалбан, руҳан бир-биримизни доимо англаб турдик. Умид қиламизки, яқин келажакда бизнинг фарзандларимиз ота-боболарининг гўзал тилида сўйлай бошлайдилар. Биз бунинг учун қўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

Бобомиз Бобур юртига қилган сафардан биз бир олам таассурот билан қайтдик. Табиийки, у ердаги қизғин учрашувлар, таассуротлар ҳақида маҳаллий рўзномаларда чиқишлар қилдик. Яқинда Ҳайдаробод шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг таваллуд тўйларига бағишлаб катта бир тадбир ўтказмоқчимиз. Ундан ташқари, Ҳиндистоннинг барча шаҳарларидаги музей ва кутубхоналардан Бобур ва унинг сулоласига оид турли қўлёзмалар, ҳужжат ва китоблар йиға бошладик. Шунингдек, бизнинг олдимизда турган мақсадлардан бири Андижон шаҳридаги «Бобур боғи»га ўхшаш боғни Ҳайдарободда «Гулшани Бобур» ёки «Зафар боғи» номи билан бунёд этиш. Бунинг учун ҳукуматдан 50 акр ер ҳам сўраб мактуб йўлладик. Бу боғда улуғ боболаримиз ҳайкалларини ўрнатиш ниятимиз бор. Иншоолоҳ, орзуларимиз амалга ошса, сиз ўзбекистонлик биродарларимиз бирга бўладилар ва дам олиб кетадилар. Ҳурматли Ислом Каримов жанобларининг ушбу боғнинг очилиш маросимида бошчилик қиладилар, деб умид қиламиз. У муҳтарам зотнинг январь ойидаги Ҳиндистонга қилган сафарлари биз учун ғоят муҳим ва қувончли ҳодиса бўлди. Чунки ўша кунлари маҳаллий рўзномаларда Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларим бериб борилаётган эди. Бу олий сафар муносабати билан жамиятимизда матбуот конференцияси ўтказдик. Укам Масиҳиддин Тусий билан йиғилганларга Ўзбекистон ҳақида билганларимизни, кўрганларимизни, ўзбек биродарларимизнинг ота-боболаримиз руҳини шод этиб қилаётган олий жаноб ишлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердик.

Бизнинг фарзандларимиз Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида бепул таҳсил олишлари учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кўрсатма берганлари ҳақидаги хабар барча йиғилганларни ҳайратга солди ва уларнинг олқишига сазовор бўлди. Насиб этса, фарзандларимиз шу ёзда Ўзбекистонда таҳсил олгани йўл оладилар. Бу — бизнинг хонадон, қолаверса, «Ҳиндистондаги бобурийлар жамияти» аъзолари учун юксак шараф ва бахтдир.

Биз қон-қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистондан келин олиш ёки қиз беришни ҳам ният қилиб қўйганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб барча кенг, меҳмондўст, улуғ алломаю меҳнаткашлар юрти биродар ўзбек халқига волидаи муҳтарамамиз Бегим Соҳиба Лайло Уммахони бошлиқ оиламиз номидан салом йўллаш билан бирга, иншоолоҳ, барчангизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз, юртингиз осойишталигини ва янада гуллаб-яшнашини, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жанобларининг олийжаноб ишларида муваффақият доим ҳамроҳ бўлишини парвардигордан сўраб дуо ва такбир қиламиз.

Ҳайдаробод — Деҳли.

СУРАТДА: азиз меҳмонлар «Андижоннома» газетаси таҳририятида (орқа қаторда, ўнгдан иккинчи: Масиҳиддин Тусий, Знёвуддин Тусий, Шажониддин Тусий).

• *Хайрли ишлар*

БАҒРИНГИЗНИ ОЧИНГ, ОДАМЛАР!

Қалб ярасининг битиши қийин кечади. Шу боис Афғонистон даҳшатлари кечган онлар узоқлашган сайин унинг изтироблари вужудларга титроқ солмоқда. Зеро, 3700 кун давом этган мақсадсиз урушда Самарқанддан бир неча минг киши қатнашди. Юзлаб нафар юртдошимиз ўзга юртда шаҳид кетди, яна 400 нафари ногирон бўлиб қайтиб келди.

— Мен иккинчи жаҳон урушининг жонли гувоҳиман. Уруш нималигини яхши биламан. Ҳар ўтирганда «Илоҳим, бундай кунлар биздан кейинги авлодларга насиб этмасин» дея дуо қиламан. Тақдир экан, бундай рутубатли кунлар афғонга жўнаган йигитларимиз бошига ҳам тушди, — дейди хўрсиниш билан уруш фахрийси С. Салиҳбоев.

— Дарҳақиқат, у кунларни унутиб бўлмайди, — дея суҳбатни давом эттиради байналмилалчи жангчилар вилоят уюшмасининг ўринбосари Ҳ. Иброҳимов.— Улар ўз бурчларини бажардилар, ўзга юртда жон олиб жон бердилар. Шунинг учун «афғончи»ларга таъна билан эмас, балки ҳурмат-эътибор билан қараш зарур.

Хуллас, Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши уюштирган давра суҳбати ана шундай эҳтиросли бошланди. У жангчиларнинг, уруш кўрган авлодларнинг суҳбатига айланди. Шаҳар кенгаши биринчи котиби Р. Юсупов самарқандликларнинг Афғонистондаги жангларда кўрсатган жасоратлари ҳақида гапирди. Шаҳар кенгаши учрашув қатнашчиларига эсдалик совғалари улашди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби И. Суюнов ҳам тарих бўлиб қолган бу урушнинг сабоқлари хусусида мулоҳаза юритди. Партия ҳаётида фаол қатнашаётган бир гуруҳ «афғончи»ларга фахрий Ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Б. Тўхтаев, уруш ва меҳнат фахрийлари шаҳар кенгаши раиси Т. Розиқов ва бошқалар милтиқлар тепкиси бемаврид босилмасин, дея ният қилдилар. Собиқ «афғончи», эндиликда ишбилармон З. Хўжаев ўз корхонаси ҳисобидан байналмилал жангчилар вилоят уюшмасига бир миллион сўмлик чек ҳадя қилди.

Сўзга чиққан Феруза Обидова шундай деди:

— Аввалам бор ҳар кимнинг ташвиши ўзига етарли бир пайтда, — деди у, — бизларни дастурхон атрофига чорлагани, ҳаётимизга, тақдиримизга эътиборли бўлгани учун вилоят ҳамда шаҳар партия кенгашларига миннатдорчилик билдирамиз. Дунёда кўнгил сўрашдан ортиқ савоб иш йўқ. Агар биз бир-биримизга оқибатли бўлсак, ўшандай кунлар қайтиб келмагай. Шундай экан, муруввatингизни аяманг, меҳрингизни дариғ тутманг, бир-бирингизга бағрингизни очинг, одамлар!

Назаримда, бу нидо фақат ушбу даврада ўтирган кишиларни эмас, балки уруш изтиробларини бошдан кечирган минглаб юртдошларимизнинг қалбидан чиққандек бўлди...

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. Бундан икки йил илгари Зарафшонда АҚШнинг «Евро Трей Интернейшнл» фирмаси билан ҳамкорликда «Зариспарк» қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Ушбу корхона ҳозирда олтинни қайта ишлаш билан шуғулланиб, мамлакатимизга анчагина валюта маблағларини ишлаб топмоқда. Бу ерда ўтган йили 70 турдаги заргарлик буюмлари тайёрланиб, харидорларга жўнатилди.

СУРАТДА: қўшма корхона ишчиси, моҳир заргар Жанар Бобохонова.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

САХОВАТ

Олтинсой туманидаги мева-сабзавотни қуритиш заводи ишчилар учун 200 ўринли катта ошхона қуриб фойдаланишга топширганидан ҳайратланмаса ҳам бўлади. Бироқ бу ерда диққатга сазовор бир тартиб жорий қилинганлигини билдириб қўйишни маъқул топдик. Гап шундаки, заводда ишлаётган болали аёлларга тушлик таомлар бепул берилади. Тағин заводдаги болали аёлларнинг маоши озлигидан улар овқатни сотиб олишга қийналиб қолган экан-да деб ўйламанг. Асло. Ҳар ким меҳнатига яраша дурустгина маош олиб турибди. Бепул тамадди эса кўп болали аёлларга завод раҳбариятининг кўрсатган ҳиммати холос..

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Президент Фармонлари амалда*

КЕКСАЛАР ДУО ҚИЛМОҚДАЛАР

Чироқчида бўлганимизда фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, моддий ва маънавий ёрдамлар, умуман, Президент Фармонларининг бажарилиши билан қизиқдик. Туман уруш ва меҳнат фахрийлар кенгаши раиси этиб кўп йиллар туман халқ таълими бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Усмон ота Ҳамроев сайланган. У киши ҳамон ёшлардек ғайратли, елиб-югуриб чарчамайди. Кексалар ўзларига раис сайлашда адашмаганлар. Бу борада улар таъбири билан айтганда, раисга ёлчиганлар, дейиш мумкин. Усмон ота ҳар қандай киши билан сўзлаша олиш ҳадисини олган.

Яқинда муҳарририятимизга у кишидан мактуб келди. Унда юртбошимизнинг фахрийларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, қолаверса, унинг бу борадаги Фармонлари Чироқчида бекаму-кўст бажарилаётгани акс этган. Фахрийлар кенгаши ғамхўрликларга жавобан «Биз Ватанга, эл-юртга нима бердик, энди нима беришимиз керак?» дея сира ишни бўшаштираётганлари йўқ. Маҳаллаларда ёшлар тарбияси билан шуғулланиш, мактаб ва муассасаларда тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш фахрийлар иш дастурида алоҳида қайд этилган. Айниқса, тумандаги ҳар бир раҳбар, аввало, фахрийлар билан бамаслаҳат иш тутаётгани қувонарли ҳол.

Ўтган йили тумандаги Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва урушда бўлганларнинг оилаларига жами 5 миллион 868 минг 200 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир уруш иштирокчиси яшаш шароитидан хабар олинди. Мустақиллигимиз туфайли анъанавий байрам бўлиб қолган қувончли кунларда қарияларга туман иҳтимоий таъминот бўлими, корхоналар, муассасалар ва хўжаликлар раҳбарлари беминнат ёрдам кўлини чўзмоқдалар. Бир пиёла чой устида улар билан дилдан самимий суҳбатлар ўтказилмоқда. Шундай учрашувларда ҳар бир кишига беш мингдан эллик мингга ча совға-саломлар ва пул улашилмоқда.

Қарияларнинг ҳаммасига иҳтимоий аҳволига қараб қорамолларига ем-хашак тарқатилмоқда. Тумандаги тайёрлов ва сотиш кооператив бирлашмаси, пахта тозалаш заводи, Жовли Аҳмедов номидаги саноат-савдо ёпиқ акционерлик жамияти ва «Кўкдала», «Коммуна», «Бешчашма», Файзулла Хўжаев номли давлат ва ширкат хўжаликлари бу борада бошқаларга намуна бўлмоқда. Арзон гўшт, гуруч, мева ва сабзавотларни кексалар хонодонига етказиб бериш одат тусига кириб бормоқда.

Шунингдек, тумандаги «Ишонч» хайрия жамғармаси, «Лобар» кичик корхоналари ҳам фахрийларга ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг дуосини олмоқдалар.

Умуман, туман фахрийлари кенгашига елкадош бўлган соғлиқни сақлаш, иҳтимоий таъминот бўлимлари хизмати ҳам беқиёсдир. Соғлиғи оғирлашган қарияларнинг уйларига тез-тез бориб, малакали тиббий хизмат кўрсатиш ҳам намунали йўлга қўйилган.

Чироқчида эл-юрт ташвиши билан яшаб, вафот этган фахрийларнинг номларини абадийлаштиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Шундай фахрийлардан 26 нафарининг номи корхона, кўча ва мактабларга қўйилганлиги бунга ёрқин далилдир.

Кўпгина фахрийларнинг уйларига табиий газ ўтказилмоқда. Биргина ўтган йили 196 нафар фахрий яшаётган уйга телефон ўрнатилганди. Хонадонларига тоза ичимлик суви олиб келинди. Улар яшаб келаётган уйлар бепул хусусийлаштирилди.

— Тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, ногиронлар ўзларига тегишли озиқ-овқат маҳсулотларини ойма-ой олиб турибдилар,— дейди туман уруш ва меҳнат фахрийлар кенгаши раиси Усмон ота Ҳамроев. — Президентимиз Фармонларининг туманда изчил бажарилаётганлигидан, фахрийларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан кексаларимиз чексиз миннатдор. Биз ҳам қўл қовуштириб турганимиз йўқ, ёшлар тарбияси, миллий қадриятларимизни тиклаш каби ишларга ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Соғлом авлод учун*

ЯНГИ ДАСТУР ТАСДИҚЛАНДИ

Президентимиз ташаббуси билан бошланган соғлом авлод учун кураш бугунги кунда барчанинг иши эканлиги янада ойдинроқ кўзга ташланмоқда. Ҳамманинг соғлиги йўлида курашиш учун аввало касалликнинг олдини олиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун аҳоли санитария муҳофазасини ҳар томонлама яхшилаш зарурдир.

Андижон вилояти эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссиясининг навбатдаги йиғилишида санитария муҳофазасини такомиллаштириш ҳақида 1994 — 1996 йилларга мўлжалланган янги дастур тасдиқланди. Йиғилишга шаҳар, туман ҳокимлари, марказий касалхоналар, санитария эпидемиология станциялари бош врачлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, ҳуқуқ тартибот ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини М. Юсупов қисқача кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг вилоят ҳудудига хавфли юқумли касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишини санитария жиҳатдан муҳофаза қилишни такомиллаштириш тўғрисида мазкур комиссия раисининг муовини, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Б. Ниёзматов ахборот берди. Шу соҳада мамлакатимиз, хусусан, вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар тўғрисида республика Соғлиқни сақлаш Вазирининг биринчи муовини Р. Султонов батафсил гапирди.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ДОЛЗАРБ МАВЗУ* •

Баъзилар асаларичилик ҳам иш бўлибдими, дея унга менсимай қарашади. Бироқ менинг суҳбатдошим Эржигит Камолов бундай мулоҳазага қўшилмайди, «Асалари игнасини» татиб кўргангина унинг қадрига етади, — дейди у кулимсираб.

Эржигит ака меҳнат қилаётган Самарқанд туманидаги Рудакий номли асаларичилик жамоа хўжалиги ўтган йили давлатга 118 тонна асал топшириб, 128 миллион сўм фойда олди. Суҳбатдошим эса ўз қарамоғидаги 130 та асалари уясидан 1950 килограмм ўрнига 2360 килограмм бол етиштирди.

«АСАЛИ ШИРИН, МЕҲНАТИ ҲАМ ШУНГА ЯРАША...»

— Касбингиз ҳайдовчилик экан, нега энди ўзингизни асаларичиликка урдингиз, сердаромад соҳами, ширинликни яхши кўрасизми ёки баъзи бировлар ўйлаганидек енгил иш бўлганлиги учунми?

— Олтмишинчи йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаман. Бошида бу соҳага ўтиб ишлашимга акам Сирож Камоловнинг таклифи туртки бўлди, ўшандан бери акам етакчилик қилиб келаётган «Пайариқ» бригадасида ишлаб келаман. Қолаверса, табиат қучоғини ёқтираман, унинг мусаффо ҳавосига нима етсин. Ачимсиқ бензин ҳидидан ёқимли ва ҳушрўй, минг дардга даво асал афзалмасми, ахир! Пулига келсам, маошимни айтишга ҳам уяламан, жуда ҳам оз.

— Демак, ширинликка ўч экансиздa! — дейман ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

— Ширинликни ким ҳам ёқтирмайди, айниқса, ҳозирги танқис пайтда, — дейди Эржигит ака ҳам бўш келмай.

— Ростини айтингчи, асалингизга шакар аралаштирасизми!

— Аввало, ҳозир шакарнинг номи бор-у, ўзи йўқ, сўнгра аввал, сероб пайтда ҳам бунақанги «гуноҳ иш» билан сираям шуғулланмаганман. Аллоҳ Таолонинг қаҳрига учрамайин, деган ҳар кимса, бундай ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тийгани маъқул.

— Узр, сал майдалашиб кетдик шекилли, суҳбатимизнинг асосий мавзуига ўтсак. Айтингчи, ҳозир қиш бекорчилиги, баҳор бошланиши биланоқ сизларнинг кунингиз тугади. Ширалы ўсимликларга бой қир адирлар, водийлар бўйлаб сафарларингиз бошланади. Эндиликда тайёргарлик ишлари қандай кетяпти!

— Қиш фаслида қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Бу жонивор шундай нарса экан-ки, кунда бир-икки марта хабар олиб қўймасангиз бўлмайди. Ёш боладай инсон меҳрига ташна бўларкан. Ундан сал йироқлашдингизми, тамом сизга ётсираб қарай бошлайди. Шу боис ҳам бу қанотли дўстларга алоҳида парвариш даркор.

Ҳадемай ишларимиз яна жонланиб кетади. Қарабсизки, бир оёғимиз Жиззах чўлу биёбонларида, бир оёғимиз эса беполён Қашқадарё воҳасида бўлади. «2-Ғаллаорол», «Оқтош» давлат хўжаликлари ҳудудларидаги бизга нисбатан яқин, бироқ уч юз чақирим йўл босиб, Қашқадарёнинг Усмон Юсупов туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли жамоа хўжалиги ва «Миришкор» давлат хўжалигига етиб боришнинг ҳам ўзи бўлмайди. Ўзингиздан қолар гап йўқ: от-улов, мошин, бензин деган гаплар ҳам бор. Шу томони бизни кўпроқ ўйлантиради. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор, олди-бердиси ҳам.

— Э, сизларнинг соҳангизда ҳам «оғриқ дардлар» бор экан-ку!

— Қайси соҳада йўқ, деб ўйлайсиз.

— Нега энди хўжалигингиз ҳудудида асаларини боқиш мумкинмас! Узоқдан қоплагандан яқиндан тўрвалаган афзалмасми!

— Шундайку-я, лекин хўжалигимиз ҳудуди асаларичиликка мослашмаган. Узоқ йўл босиб, Қашқадарёга борсак, ғўза навларини бузиб юборяпсанлар, деб совуқ қабул қилишади. Кўпинча вақтимиз жой танлаш билан ўтади. Шунинг учун ҳам хўжалигимизга қарашли асаларичилик бригадалари турли туман-лар ва вилоятлар ҳудудларига сочилиб кетган. Ана шундай қийинчиликларга қарамай мўл-кўл асал етиштириб, давлат режаларини бажариб келаётирмиз. Жонингни койитмасанг жонона қайдадир, деган гап бизнинг соҳа кишиларига ҳам таалуқли бўлса керак.

Касбимизнинг хусусияти ўзи ана шунақа. Машаққатсиз бирон-бир натижага эришиб бўлмайди. Яхшиямки, хўжалигимиз раиси Даврон Исроилов тадбиркор, ишбилармон. Шу туфайли юқорида тилга олинган муаммоларимиз ўз ечимини топяпти. Иш бор жойда муаммо борлиги — бу аниқ нарса. Сиз тағин ўйламанг у нолияпти, деб. Буни ҳаёт деб қўйибдилар, ҳамма нарса сипсиллиқ бўлаверса турмушнинг қизиғи қолмасди. Фақат инсон боласи ўз йўлидаги ғов-тўсиқларни қандай енгиб ўтишига қараб баҳо бериш керак.

Хўжалигимизда самарали ишлаётган Ислом Холиқов, Абдужалил Ҳабибов сингари бўлим бошқарувчиларининг ёки асаларичиликда суяги қотган, катта тажриба тўплаган Бекназар Нурназаров, Исмоил Жумабоев, Мирзо Мардиевларнинг ҳар қайсиси не-не машаққатлар эвазига ажойиб ютуқларни қўлга киритаётганликлари соҳамиз осон эмаслигига бир исбот. Албатта, асали ширин, меҳнати ҳам шунга яраша! Шунинг учун узоқдан «қопланган» асалимиз халқимизга манзур бўлмоқда, сифатига эътироз йўқ.

— Эржигит ака, ҳали гапингиз орасида айтиб ўтдингиз: баъзи хўжаликлар ғўза навларининг бузилиб кетишидан чўчиб, сизларни ўз ҳудудларига йўлатмасликка ҳаракат қилаётган эканлар. Айтингчи, Сиз шу гапларга ишонасизми! Асалари билан чанглатишдан бирорта хўжалик зарар кўрганини ҳеч эшитганмисиз!

— Мен бу соҳанинг мутахассиси ёки олими бўлмасам ҳам ишончим комилки, ҳар қандай ўсимлик ёки дов-дарахтни асалари билан чанглатиш, фойдадан холи бўлмаса керак. Заҳматкашликда инсонни лол қолдирадиган асалари бир кунда юзлаб чақирим йўл босишни назарда тутадиган бўлсак, ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а, қанчаданқанча экин майдонини чанглатиб, ҳосилдорликнинг ошишига беқиёс ҳисса қўшади. Ўзбекистонимизнинг иқлими асаларилар учун жуда мос. Қаранг-а, олимларимизнинг ҳисоб-китобига кўра, фақат биргина пахта далаларидан олинган асал билан бутун республика аҳолисининг болга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш мумкин экан. Бундан ташқари, тажрибалардан шу нарса маълумки, асалари боқилган пахта далаларида чангланиш натижасида ҳосилдорлик гектар бошига ўртача уч-тўрт центнерга кўпайган. Айни пайтда чаноқнинг вазни ортган, пахта толаси яхшиланган. Чигити эса тўқ бўлган. Асалари билан чанглатишдан ҳеч ким ютқазмаган.

— Сизнингча, асаларичиларни яна қайси масалалар кўпроқ қизиқтиради!

— Менинг назаримда, асаларини асраш ва уларни урчитиш, асаларилар ёқтирадиган ўсимликларни кўпайтириш агротехникасини такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётир. Яна шулар ҳақида ҳар хил оммабоп нашрлар чоп этиб, плакатлар чиқаришса кўнгилдагидек иш бўларди.

Бундан ташқари, асалариларнинг наслларини танлаш ва синаб кўриш, уларнинг энг яхшиларини ишлаб чиқаришга тавсия этиш пайти келди чамамда.

Ҳадемай шаҳар ва қишлоқларни, аҳоли яшайдиган мавзеларни кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилади. Шу муносабат билан анчадан буён ўйлаб юрган бир фикр-мулоҳазамни билдирмоқчиман. Кўчат ўтказиш чоғида асаларичилик эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинса. Яъни, гуллаш пайти асалари уларга мухтож бўлган даврга (май-июнь) тўғри келадиган дарахт кўчатларини экиш режалаштирилса. Одатда бундай дарахтларга япон софораси, арғувон, оқ қайин, каштан ва шунга ўхшашлар киради. Шунингдек, асалари хуш кўрадиган экинлар — кунгабоқар, гречиха ва бошқа ўсимликлар ҳам кўпроқ экилса. Асаларилар гулли ўсимликларсиз яшай олмагани каби аксарият гулли ўсимликлар ҳам асаларилларсиз ҳаёт кечиролмайдилар. Бир мисол, асалари бир килограмм бол тўплаш учун тахминан ўн миллионга яқин гектарга бой гулга қўниб чиқиши керак.

Ёдимдан кўтарилаёзибди. Асаларининг юқумли касалликларига қарши кураш ва уларни йўқотиш муаммоси устидан кам бош қотираётганимизни тан олишимиз керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимас, ана шу масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрганимиздагина биз асаларичилгимизни янада олга силжитган бўламиз.

Суҳбатдош
Миршароф МУҲСИМОВ.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ҲУКУМАТ ВАКИЛИ БАЁНОТИ

АНҚАРА. Туркия қўшинлари, полиция ва хавфсизлик кучлари томонидан шу йилнинг январь ойида ўтказилган операция чоғида таъқиқланган Курд ишчи партияси жангариларидан 254 нафари ўлдирилган. Бу ҳақда Туркия ҳукумати вакили матбуот конференциясида баёнот берди.

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛАДИ

ВАШИНГТОН. Шу йилнинг январида Калифорнияда Америка Қўшма Штатлари тарихидаги энг кучли зилзила юз берган, унда 61 киши ҳалок бўлиб, ўн минглаб одам жароҳатланган эди. Умумий зарар 20 миллиард долларга етди.

АҚШ конгресси табиий офат оқибатларини тугатишга ёрдам бериш учун тайёрланган ҳужжатни тасдиқлади. Ҳужжатда вайроналарни тугатиш ва жабрланганларга ёрдам бериш учун 8,6 миллиард доллар маблағ ажратиш кўзда тутилган, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

ЖИНОЯТЧИЛАРГА ОЛИЙ ЖАЗО БЕРИЛДИ

ПЕКИН. Филиппинлик икки инженер лаборатория йўли билан тайёрланган 11 килограмм гиёҳванд моддани Хитойнинг Сямэнь халқаро аэропортидаги божхонадан олиб ўтишга уринганда қўлга олинди.

Сямень шаҳри суди икки жиноятчини олий жазо — отиб ўлдиришга ҳукм қилди. Бундан уч йил олдин Хитойдан минглаб тўппонча ва 35 минг дона ўқ олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилган вақтида чегарачилар томонидан қўлга олинган тайванлик ишбилармон ҳам шундай жазога ҳукм этилганди, деб хабар беради «Гонконг коммершиал дейли» газетаси.

МАҲБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

ЛОНДОН. Ироқ ҳукумати Бағдод қамоқхонасида сақланаётган 8 нафар покистонлик маҳбусни Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг илтимосига кўра озод қилди.

Бош вазир Б. Бхутто илтимосномани турмуш ўртоғи Асиф Али Зардар орқали Ироқ Бош вазири Аҳмад Ҳусайн ал-Худайрга юборган эди, деб хабар беради Рейтер ахборот маҳкамаси.

ПОЛЬША ЯШИРИН МУҲОЖИРЛАРНИ ЧИҚАРИБ ЮБОРМОҚЧИ

ВАРШАВА. Польша ҳукумати мамлакатда яширинча яшаётган муҳожирларни чиқариб юборишга ҳозирлик кўрмоқда.

Ички ишлар вазири Анджей Мильчановскийнинг айтишича, аввалги йили Польша чегараларидан сохта ҳужжатлар билан ўтмоқчи бўлган 18 минг киши аниқланган. Улар орасида руминияликлар кўпчиликни ташкил этади. 1,4 минг украиналик ва 993 нафар россиялик фуқаро ҳам ўз ватанига қайтариб юборилган эди. Режалаштирилган янги тадбир март ойидан амалга оширилади, деб хабар беради Польша ахборот маҳкамаси.

ЭРОН АҚШ БИЛАН ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

ТЕҲРОН. Эрон Америка Қўшма Штатлари ва Исроилдан бошқа барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр, деди мамлакат Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний чет эл дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари билан учрашувда.

Американинг зўравонлик, Исроилнинг босқинчиликка асосланган ташқи сиёсати бизга маъқул эмас, деди у.

МУЗОКАРА ЎТКАЗИШГА РОЗИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон қуролли кучлари Покистон томонидан бўладиган ҳар қандай ҳарбий таҳдидни бартараф этишга қурби етади, деди мамлакат ташқи ишлар вазири Р. Бхатия.

Биз Кашмир масаласида Покистон билан ҳамма вақт Симла шартномаси асосида музокаралар ўтказишга розимиз, деди у.

ҲУЖЖАТ БЎЛМАСА — ЧЕГАРАДАН ЎТКАЗИЛМАЙДИ

БРАТИСЛАВА. Словакия ҳукумати хориждан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳақидаги ҳужжати бўлмаса чегарадан ўтказмасликка қарор қилди.

Бу тадбир аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилмоқда, деб хабар беради Словакия ахборот маҳкамаси.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

• ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ •

«Шарқ юлдузи» журнали «Адолат манзили», деган янги рўмонимни босиш ҳақида эълон берганидан кейин китобхонлардан: «Асар нима тўғрисида, уни қачон ўқиймиз?» деган саволлар туша бошлади.

Асар бир фожеий севги тарихига бағишланган. Ундаги воқеалар 80-йиллар ўртасида юртимиз бошига тушган оғир бўҳтонлар билан боғлиқ. Халқимизда ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан ўзинг асра, деган гап бор. Мен ўз асаримда ана шундай мудҳиш бўҳтон сабаб бардод бўлган покиза бир онланинг фожейи тақдирини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Асар қаҳрамони Суюн бургут ёш, ҳалол, иқтидорли раҳбар, «десантчи» терговчилар билан узоқ олишади, уларнинг барча қийноқларига дош беради. Аммо «Сенга тақилган бўҳтонларни бўйнингга олмасанг суюкли ёрингни ҳам ҳибсга оламиз, уни ҳароми каллакесарлар қўлига топширамиз», деган пўписаларига чидай олмай ҳаёт билан видолашади. Бу мудҳиш адолатсизликка қўника олмаган ўғил ҳам ҳаётдан кўз юмишга қарор қилади. Лекин отасининг ўлимидан кейин куйиб кул бўлган онасининг ҳоли нима кечади, унга ҳали бўса беришга ҳам ҳуркиб юрган севгилиси Олтиной-чи? У жонига қасд қилса, бу шўрликларнинг ҳоли нима бўлади? Қуйидаги боб шу ҳақда. Умид қиламанки, бу мунгли ҳикоя китобхонни лоқайд қолдирмас, айни замонда ибратдан ҳам ҳоли бўлмас.

Муаллиф.

АДОЛАТ МАНЗИЛИ

Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



СУЮН БУРГУТНИ совхоз шаҳарчасига дафн этишга рухсат беришмади. Унинг жасадини кечаси алламаҳалда қопқоғи михланган оғир тахта қутида олиб келишди. Олиб келган одамлар — уларнинг орасида милиционерлари кам, ҳаммаси башанг кийинган, келишган ёш йигитлар кўп эди! — Уйда кўтарилган фарёд, қий-чув, йиғи-сиғи— ҳеч нарсага қулоқ солмай, ими-жимида дарҳол кўмасанлар, ҳатто жаноза ҳам ўқимайсанлар, хуллас, элга овоза қилмайсанлар, деб оёқ тираб туриб олишди. Халойиқ йиғилди. Доду фарёдни эшитиб бир зумдаёқ ҳамма ёқни одам босди. Наинки ҳовли, кўча ҳам элга тўлиб кетди. Суюн бургутнинг жасадини олиб келган бойваччасимон йигитлар аввал тўпланган юртни ҳам писанд қилмай, ўдағайлаб кўришди, аммо йиғилган эл ҳам бўш келмади. «Бир бегуноҳ, беайб, покиза мусулмонни бесабаб, беёзуқ жувонмарг қилганларинг озми? Энди уни расм-русумимизни ҳам бажо келтирмай, жаноза ҳам ўқиттирмай, пинҳона кўммоқчимисанлар? Инсоф борми сенларда? Мусулмонмисанлар ўзларинг ё кофирмисанлар?» — деб ғалаён кўтаришди.

Суюн бургутнинг суягини олиб келган пўрим бойваччалар шундан кейингина сал паст тушиб, муросага ўтишди. Қарияларнинг маслаҳати билан Суюн бургутни «Маржонтов»га, ўзи кўп йил ишлаган йилқи фермасининг ёнидаги кичик қабристонга дафн этадиган бўлишди. Шундан кейин қутини тузиб, ўндан Суюн бургутнинг жасадини олишди, ювиб-тарашди, марҳум энаси ўз қўли билан тўқиб, тўйларида инъом этган улкан пат гиламга ўрашди, сўнг жаноза ўқиб «Маржонтов»га олиб кетишди. Бургутни ўзи яхши кўрган сой бўйидаги арчазорга дафн қилишди. Тумонот одам йиғилди. Суюн бургутни ерга бериб бўлгач, эски удум бўйича: «Ҳалойиқ! Қандай одам эди Суюн бургут!» деб сўрашганда тоғу тошга сиғмай кетган эл жўр бўлиб: «Яхши одам эди, мард йигит эди, Суюн бургут!» деб ҳайқирди. Бу ҳайқириқдан «Маржонтов» ҳам йиғладиёв, «Маржонтов» ҳам силкиндиёв!...

Дафн маросимининг учинчи куни элга қора ош берилди. Қора ошдан кейин қариндош-уруғлар ҳам тарқашди, Фақат Маржоной билан Бибисора момо турган катта ўтовда уч-тўртта энг яқин аёллари, Лочиннинг дўстлари қолди.

Лочин билан Ветеран бува холироқ жойга тикилган бошқа ўтовда туришар эди. Кеча Ветеран буванинг юраги яна ёмон бўлиб, уни ҳам шаҳар касалхонасига олиб кетишди. Бугун қора ошдан кейин, эл тарқагач, Салим қилтириқ билан Кумуш ҳам қайтадиган бўлишди. Улар Лочин билан хайр-хўш қилишгани киришганда у ўтовнинг тўрида шифтдаги туйнукка тикилиб ётарди. Лочин уч кундан бери шу ҳолатда қимир этмай ётар, на саволларга жавоб берар, гўё отаси ўлгандан кейин тилдан қолиб, гунг бўп қолган эди. Ҳатто отасини мозорга қўйиб қайтгач, энг яқин қариндошлари билан момоси ва энасидан кўнгил сўрагани кирганида ҳам на бўғзидан нидо чиқди, на кўзидан ёш! Ўтов тўла хотин-халаж негадир ҳаммаси бирдан Лочинга қараб талпинишди. Лочинни бағирларига босганларича, Суюн бургутни йўқлай-йўқлай, уввос тортиб йиғлашди. Бибисора момо, қадди дол, куймаланиб келиб, неварасининг бўйнига осилди, бошини сараклаб, алланималарни айтиб, унсиз йиғлади. Лочин шунда ҳам ҳайқалдай қотиб тураверди, фақат энаси Маржонойни кўргандагина дош беролмади! У аввал энасини танимай қолди. Эгнида... этаги ер супирган узун кўк кўйлак, бошида бир томонга оғиб қолган кўк рўмол, юзлари кўмирдай қорайиб кетган Маржоной дастлаб унга ёнғинда қолиб, барча шоху бутоқлари куйиб, сўппайиб турган ёлғиз арчани эслатди, назарида, бу ёнғиндан энасининг фақат кўзлари қолган, лекин бу кўзларда нам йўқ, улар худди қуриб қолган булоққа ўхшарди... Уни айниқса энасининг сочлари ларзага солди. Энасининг ҳамиша қалдирғочнинг қанотидай ялтираб турадиган қоп-қора майин, гўзал сочлари бир кечадаёқ қордай оппоқ оқарган эди! Лочин буни кўрди-ю бўғзида туриб қолган фарёдни тутолмади, момосининг бағридан отилиб чиқиб, энаси томон талпинди, унинг олдига тиз чўкиб оёқларини қучоқлаб олди... Бу унинг сўнгги фарёди, сўнгги ожизлиги бўлди... Шундан бери Лочин тили соқов, қулоғи кар!

Мана ҳозир ҳам у гўё энг қадрдон оғайниси Салим қилтириқ билан Кумуш бибини кўрмагандай шифтдаги туйнукдан кўзини узмай, ётаверди. Салим қилтириқ билан Кумуш бирпас унга жимгина тикилиб ўтиришди.

— Лочин, — деди Салим. — Биз хайрлашгани келдик...

Лочин қимир этмади. Кумуш биби бирдан овози дарз кетиб:

— Лочин, — деди ёлвориб. — Бунақа қилмагинда, Лочин! Ҳамманинг бошида бор бу ўлим. Ҳеч ким... Ҳеч ким устун бўлган эмас бу дунёга! Ҳаммамиз кетамиз бир кун! — деди-ю, гапини тугатолмай ҳиқиллаб қолди. Лочин лом-лим демай тескари ўгирилди-да:

— Раҳмат! Йўлдан қолмантлар. Бораверинглар! — деди аллақандай совуқ бўғиқ овозда. Мен... мен сенлардан розиман. Сенлар ҳам рози бўлинглар.

Салим қилтириқ бирдан ҳушёр тортиб:

— Лочин! — деб хитоб қилди. — Сенга нима бўлди? Нима деяпсан, Лочин?

Лочин бетоқат қўл силтади:

— Айтаяпман-ку, сенларга рухсат деб, раҳмат деб...

Кумуш биби рўмолининг учини оғзига босиб, югурганича ўтовдан чиқди. Салим қилтириқ бир нарса демоқчи бўлиб, бир-икки тамшанди-ю, гапиролмади, орқасига қарай-қарай Кумушнинг кетидан чиқди.

Улар чиқиши билан олам сукутга чўмди, гўё атрофда тирик бир жон йўқдай, ҳамма ёқ жимжит. Йўқ, ана, бу сукутни бузиб, нимадир патиллади. Движок! Ўтовда чироқ ёнди, Ёниши билан нариги ўтов томонда болачаларнинг хуррам қийқириғи янгради. Қаердадир от кишнади, ит акиллади.

Лочин ўрнидан турди. Ўтов тирқишидан ташқарига қаради. Қоронғи тушипти. Қўшни ўтов ҳам жим-жит... Фақат ўтов орасидаги ўчоқларда олов ёнянти, аллақандай аёллар ғимирлашиб юришипти. Улар орасида Олтинойни танигандай бўлди. Чамаси, аёллар овқат пиширишяпти... Лочин негадир оёқ учида юриб, жойига қайтди. Ёстиғи остидан қалин дафтар, чўнтагидан қалам олиб, хонтахтага қўйди, бироқ ўйлаган нарсасини ёзиш ўрнига яна туйнукка тикилди. Туйнукда илк юлдузлар, йўқ, янги туғилган қўзичоқлардай маъсум, беғубор ногирон юлдузчалар милтирарди. Лочиннинг назарида, бу ногирон юлдузлар уни чорлаётгандай, ўз ёнларига чақираётгандай туйилди...

Лочин қўлига қалам олди.

«Энажон! Энажонгинам!

Гуноҳкор ўғлингизни кечиринг. Шу кеча мен сизга айтмасдан олис йўлга отландим. Адолат қидиргани сафарга чиқдим. Бу йўл жуда узоқ бўлади. Балки бир неча йиллар, балки ўн йиллар кетар адолатни тиклаб, отамнинг номини оқлашимга. Чунки мен ўз юртим уёқда турсин, Москов ҳам ҳақиқат қилишига ишонмай қолдим. Эндиликда мен, керак бўлса, Миллатлар ташкилотига бораман (эътибор беринг, энажон: «ёзаман» деяпганим йўқ, «бораман» деяпман!) Қандай қилиб дерсиз? Йўлини топаман. Хорижга чиқадиган кемаларга матросликка ёлланиб бўлса-да, океанлардан қайиқда сузиб ўтсам-да, йўл топаман! Демоқчиманки, бошимга не савдолар тушмасин, отамнинг номини оқламай, унинг ҳалол инсон эканини исботламай, адолатни тикламай қайтмайман. Унгача сиз сабр-тоқат билан кутинг ўғлингизни! Эсингиздами, энажон, бир куни адабиёт дарсида сиз рус шоири К. Симоновнинг «Мени кутгил ва мен қайтарман» деган шеърини ўқиб берганингиз. Бу шеърда урушда юрган солдат ўз ёрига мурожаат қилиб айтадики, «мободо мен дом-дараксиз кетсам, ҳатто эринг ўлди, деган қора хат олсанг ҳам — бунга ишонма! Бутун эл, ҳатто туққан онам ионса ҳам, сен ионма бу гапларга, мен тирик қайтаман, албатта, қайтаман», дейди ўша солдат. Шеър бизга жуда ёққан эди. Бироқ сиз ўшанда айтган эдингиз: бу гўзал шеърдаги ўлди, деган гапга бутун эл, ҳатто онам ионса ҳам, сен яъни севгилим ионма, деган сатрлари унча тўғри эмас, чунки, аксинча, урушда юрган, эр йигит ўлипти, деган гапга ҳамма, ҳатто солдатнинг севикли ёри ионса ҳам, она инонмайди, шоир шу ерда жиндак хато қилган, дегандингиз?.. Қиссадан ҳисса шуки, сизга ҳам «ўғлингиз Лочин оламдан ўтипти», дейишса — ионманг, зиҳ базинҳор ионманг, энажон! Модомики юртимизда ҳақиқат йўқ экан, мен уни бошқа жойлардан қидираман, Бирлашган Миллатлар Ташкилотигача бораман, аммо адолатни топмай қайтмайман. Сиз эса... биламан! Ноинсоф эмасман, биламан: сизга қийин бўлади, энажон. Жуда қийин бўлади — ҳаммасига кўзим етиб турибди! Аммо бундан бошқа йўлим колмаса нима қилай? Ўзингиз айта қолинг: нима қилай, энажон?»

Лочин дафтар-қаламини шоша-пиша ёстиғи тагига яшириб, қулоғини динг қилди. Яқин жойда итлар вовиллади, сўнг енгил шарпа эшитилди. Сал ўтмай, қўлида патнис, Олтиной кирди.

Гўё Лочин билан аллақачон қовушгандай, гўё бу оилага келин тушгандай, гўё қайнотасига мотам тутаётгандай кўк кўйлак кийиб, бошига кўк дока рўмол ташлаб опти. Бу либос унинг чеҳрасига юракни жиз этдирувчи маъсум бир маъюслик бахш этибди. Ўзиям, тўлин ойдай юмалоқ юзи хиёл чўзилиб, қатта-катта кўзлари бўталоқнинг кўзларидай мўлтираб қопди!

Қиз, қўлида баркаш, бир-икки қадам юрди-ю, чалқанча ётиб олган Лочинга бир дақиқа термулиб турди. Ундан садо чиқмагач, «қулт» этиб ютинди-да, яна қушдай енгил одимлаб, орқага тисарилди. Шунда Лочиннинг аллақачон яхлаб, бир парча музга айланган юраги ногаҳон «шиг» этди, қайнаб келган меҳрдан кўнгли ийиб:

— Олтин... Олтиной! — деб чақирди. Олтиной қайрилиб қаради, қуралай кўзлари умид билан, болаларча илинж билан мўлтиради.

— Олтиной... Илойим бахтли бўл!...

Олтинойнинг жовдираб турган кўзларидаги умид ҳадик ва қўрқув билан алмашди.

— Сиз, нима... нималар деяпсиз, Лочин ака? — деб сўради тўсатдан ўпкаси тўлиб.

Лочин чайналди.

— Ҳа, шу... Сен яхши қизсан деяпман, Олтиной! Дунёда энг сулув қизсан, Олтиной! Бахтли бўл, бахтли бўласан, деяпман...

Олтинойнинг қўлидаги баркаш ерга тушиб, дарангглаб кетди.

— Қўйинг, бунақа деманг, Лочин ака! Илтимос қўрқитманг одамни! — Олтиной лаблари пир-пир учганича, ташқарига отилди.

Лочин қизга айтган гапларидан пушаймон бўлиб, унинг бу гапи ҳам, боя Салимларга «мен розиман, сенлар ҳам рози бўлинглар», деган сўзлари ҳам, уларнинг кўнглида хавотир уйғотиши мумкин-ку, дея, ўзини койиб узоқ ётди.

Назарида Олтиной ўтов тирқишидан:

«Йўқ, Лочин ака! — деб шивирлагандек бўлди. — Сиздан бошқа ҳеч кимни демайман. Сизсиз бу ёруғ дунё қоронғу мен учун! Сизсиз дўзах, у, мен учун! Бир ёққа кетмоқчи бўлсангиз бирга олиб кетинг, акажон!».

«Бунинг сира иложи йўқ, Олтиной, Менинг манзилим узоқ, йўлим хатарли, Олтиним!».

«Майли, бошга тушганни кўз кўрар. Лочин ака! Фақат ташлаб кетманг. Ташлаб кетсангиз, дунёда энг бахтиқаро қиз мен бўламан. Ундан кўра ўлдириб кетинг, мени! Ўлдириб кетинг!».

Лочин сапчиб турди. Чамаси, кўзи илинган экан.

Яна ҳаммаёқ жимжит, сокин. Ўтов шифтидаги чироқ ҳамон чарақлаб турибди Афтидан, вақт тун ярмига яқинлашган шекилли, дарахтлар нотинч гувиллаяпти! Лочин чироқни ўчирмоқчи бўлди-ю, ўчирмади: ўчирса нариги ўтовдагилар хавотирга тушиб, хабар олгани келишлари мумкин. Лочин нимани-дир эслаб-эслай олмай пешонасини ишқади: Ҳа, хат!

Хат ёстиқ тагида эди! Йўқлаб келишса кўриб қолиб, оламни бошларига кўтаришлари мумкин! Лочин хатни ёстиқ остидан олиб, кийгиз тагига яширди-да, зимистон қоронғуликка шўнғиди.

Шамол кучайган, ўтов теварагидаги дарахтлар нималандир зорланиб, нола чекиб увиллар, осмондаги булутлар худди қашқирдан ҳуркан қўй галасидай, шитоб билан жануб томон шошилар, осмоннинг очиқ жойларидаги юлдузлар гўё ҳовучлаб сочилган тилла тангачалардай ярқирар эди.

Шундоқ рўпарада, қоронғида қовоқ солиб турган Маржонтов устида уч кунлик беҳолгина ҳилол элас-элас кўзга чалинарди.

Маржонтовга кўзи тушиши билан хонадонлари бошига қора кун тушган оқшом отаси билан энаси бўзлаб айтган ўлан ёдига келди.

Маржонтов, Маржонтов,
Айланайин, Маржонтов,
Ўргилайин, Маржонтов!
Оғир кунда таянчим,
Қора тунда суянчим!
Ёв келди-ку қошингга!
Фарзандларинг бошига —
Иш тушди-ку, Маржонтов.
Ўғлонларинг ошига —
Оғу тушди, Маржонтов.
Нечун сукут сақлайсан?
Қалдироғинг қалдираб,
Ғанимларни қувмайсан?
Айланайин, Маржонтов,
Ўргилайин, Маржонтов!...

Йўқ, Маржонтов ҳам, бо-боларга мадад берган, ёв келганда қалқон бўлган Маржонтов ҳам, бугун гунг, сассиз соқов!

Лочин кўзи қоронғуликка ўргангунча ўтов ёнида турди, кейин, атрофига қарай-қарай, бир-бир босиб, қабристон томон йўналди. Лекин қанча эҳтиёт бўлмасин, қўрадаги сезгир итлар акиллай бошлади. Лочин қоронғуда туртиниб-суртиниб, қалин арчазор орасида тимирскиланиб бораркан, итлардан бир-иккитаси орқасидан қувиб келишди, уни таниб, думларини ликиллатиб, оёқларига сурканишди. Лочин «қайт-қайт» дея секин қойиб, уларни аранг орқага қайтарди-да, йўлида давом этди.

Ана, қабристон ҳам кўзга чалинди. Қабристондан узоғи билан икки юз, икки юз эллик қадам нарида одамлар: «Шайтон дара!» деб ном қўйган тубсиз дара! Қаърида не-не сирли ҳангомалар, не-не мудҳиш фожиалар асраган бу зимистон даранинг тубида бир дарё сув оқади! Ўтовдай-ўтовдай тошларга, чўнг қояларга урилиб, улоққа тушган тулпордай оқ кўпикка чўмиб, қутурган шердай наъра тортиб оқади. Дунё дунё бўптики, унга йиқилган на от, на одам, на йиртқич ҳайвон топилган! Ҳаммаси изсиз, ном-нишонсиз йўқолган, йўқоларган! Ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч нарсани топган эмас бу ёвуз дарадан! Аммо қариндошини йўқотган одам қариндошидан, молини йўқотган молидан умидини узган эмас! Унинг, Лочиннинг умиди ҳам шунда! Ҳаммаси «Мени кутгил ва мен қайтарман!» деган анов машҳур шеърдагидай бўлади.

Лочин уч кеча-кундуз ухламай, ахир пировардида шу йўлни топди. Бу дунёдан кетса ҳам энасининг юрагида умид шамини ёқиб кетяпти! Дунёда фарзандини йўқотган ҳамма эналардан Лочиннинг энаси ҳам уни кутади токи қариб, бу бевафо, норасо дунёдан кўз юмгунча ўғлидан умидини узмай кутади, кутаверади. Энаси учун ўйлаб топган битта-ю битта тасалли шу! Бошқа йўл бўлмаса не чора?

Мана, бор-йўғи беш-олти қабрдан иборат кичик гўристон! Отасининг қабри энг юқорида, тарвақайлаб ўсган иккита кекса арча ўртасида. Маржонойнинг тилаги билан ёнида унга ҳам жой қолдиришган. Лочин тепасига улкан харсанг тош қўйилган отасининг гўри ёнига чўккалади, чўккалар экан, тиловат қилишни билмаслигини эслаб, яна ўзидан ранжиди.

«Отажон! Малъун бўҳтончилар сабаб, азиз бошингиз устида қора булутлар айлана бошлаганида айтган васиятингиз ҳамон ёдимда. «Ўғлим! Сени худога топширдим, энангни сенга!» дегандингиз ўшанда. Йўламангки, иноннган ўғлим сўнгги илтижомни ҳам бажо келтирмади деб! Аммо... гуноҳкор фарзандингизни авф этинг, отажон! Бошқа чорам қолмади! Сизга қилинган бу адолатсизлик, бу ҳақорат ва хўрликлардан кейин мен учун ҳаром бу дунё! Авф этинг, отажон! Ахир сиз дош беролмаган бу таҳқир, бу ноҳақликларга мен қандай дош берай, отажон?!.».

Лочин қабр тошини силаб, гўё отасининг пешонасидан ўпаётгандай, уни қайта-қайта ўпди-да, ғип бўғилиб, ўрнидан турди. Қўра тарафда яна итлар ҳура бошлади: шошмоқ керак!

Лочин олдидаги қалин арчазорга шўнғиди, кафтлари, юз-кўзларига минг тикон бўлиб қадалган игнали шохларнинг оғриғини ҳам сезмай, юқорига, «Шайтон дара»га қараб ўрлаб кетди... Орқада, қўрғон томонда, ҳамон итлар ҳурарди. Бир-икки жойда чироқ милтиларди.

Лочин қадамини тезлатди. Ишқилиб, дарага етиб олса бас! Уёғи... худо мадад берса... бир оний иш!...

Орқада итлар тобора қаттиқроқ ҳурар, қандайдир овозлар элас-элас қулоққа чалинарди. Мана, хайрият; Лочин ўзига «Адолат манзили» деб ном қўйган «Шайтон дара»га ҳам етиб келди, келди-ю, ёвуз даранинг совуқ нафасидан сесканиб, жар ёқасида тўхтади. Дара, тўғрироғи, унинг кўз илғамас, тубсиз, зимистон қаъридаги асов дарё гўё уни ўз бағрига чорлаётгандай алақандай сирли шовуллар, кишини ўзига ром қилувчи мафтункор садо тарқатиб, бетиним гувиллар эди!

Лочин бир силтаниб танасини қўйлагидан жудо қилди, тугмаларини дўланадай дув тўкиб, шимидан ҳам апил-тапил озод бўлди, қоронғида тимирскиланиб катта бир тош топди-да, уларни боғлаб, дарага етди.

Мана, онадан туғилгандай бўлди-қўйди. Энди бир сакраса бас — юрагини тилкатилка қилаётган бу андуҳ, бу ноҳақ, норасо дунёнинг барча азоб-уқубатларидан қутилади-қўяди!

Тўсатдан, улкан бир қора соя Лочиннинг ёнгинасидан ғизиллаб ўтди-да, шитоб билан орқасига бурилиб, оёқларига урилди.

Қоплон! Ажаб ҳол! Марҳум бобосининг садоқатли қари бўрибосари! Аллақачон юролмай қолган, умрининг сўнгги дақиқаларини кечираётган бу қари ит уни қандай қувиб етди? Қандай топиб келди? Нимани аломати бу? Ё қоплон эмас, Лочинга дўмбира чалишни ўргатиб, улоқларга опичлаб юрган севимли бобосининг беҳаловат руҳими, безовта арвоҳими бу?

Шу пайт арчаларни тувиллатиб эсаётган довул орасидан аёл кишининг:

— Ло-чи-ин! Жон ўғ-лим! — деган чинқириғи қулоққа чалинди. Унга: «Ака-жоон? Акажоним-ай!» деган яна бир фарёд қўшилди. Энаси! Энаси билан Олтиной!

— Кетсанг... энангни кўмиб кет, жон болам! Аввал ўз қўлинг билан гўримга кўмиб кет!...

«Ё ҳозир, ё ҳеч қачон!..».

«Кечиринг, энажон! Аммо ўғлингиз бу золим дунёда туролмайди! Суйган отасини хор қилган, ундай ҳалол, мард, танти инсонлар оёқ ости бўлиб, Мансур мещдай қора қузғунлар даври-даврон сурган бу дунё, бу юрт ўғлингизга ҳаром, энажон. Кечиринг, уни!...».

Қоплон гўё Лочиннинг шафқатсиз ниятини сезаётгандай, оёқлари остида ҳамон чарх урар, «Қайт бу мақсадингдан, қайт!» дегандек зорли ғингшир, одам боласидай ялинниб, ёлворар эди!

Лочин, худди қишда дарёга шўнғишга чоғланган одамдай, бир жунжикди-ю, ўзини зимистон ўпқонга отди.

Қоплон аянчли акиллаганича жар бўйида қолди. Овлоқдан, жуда овлоқдан, осмон қаъридан итнинг овозидан ҳам зорлироқ, юракни «Боламов! Бўтамов!...», зор титратувчи сас келди:

Тўхта! Нима қилиб қўйдинг, аҳмоқ? Туққан онангни бўзлатиб нега бу қабих ишга жазм этдинг?! Тўхта! Наҳот тўхтаб бўлмаса энди? Наҳот қўлга илинадиган ҳеч нарса бўлмаса бу ўпқонда? Ахир... шайтонлар макон қурган бу дара четларида ўсган дарахтлар қайда? Ёпирай, қачон тугайди бу дара, бу азоб, бу даҳшат? Ё... боболар айтган бу бебақо дунёдан анов гўзал боқий дунёга ўтдими у? Ўтиб қуш бўлиб учиб юрибдими?

Лочин оғриқни ҳам ҳис этмади.

Ногаҳон тоғлар қарсиллаб ёрилди-ю мисли кўрилмаган бир машъал ярқ этиб ёнди, у бутун атрофни, суюкли Маржонтовнинг оппоқ чўққисини, наинки Маржонтов, бутун оламни чароғон қилиб ёритди, ёритди-ю шу заҳотиёқ сўнди-қолди.

• *Дўстлик минтақаларида*

Ўзбекистон–Қирғизистон

БИР ДАРЁДАН СУВ ИЧГАНЛАР

Ери-ерига туташ, авлод-аждодлари, илдизи бир бўлган икки туркий халқ—ўзбек ва қирғизлар доимо аҳил-иноқ яшаб келишган. Бир-бирига қиз бериб, қиз олишган, қуда-андачилик қилишган. Ҳар икки халқ раҳбарлари дўстлик риштларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш натижасида қувончли ютуқлар қўлга киритиб келиняпти.

Айниқса, бу борада ўтган — 1993 йилдаги Пахтаобод, Бозорқўрғон, Новкен туманларида ҳокимлар, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг учрашувидан кейин ўзаро ҳамкорликка доир бир қатор масалалар ҳал қилиниб, амалда татбиқ этилгани нур устига аъло нур бўлди.

Пахтаобод ҳокимлигида яқинда ўтказилган учрашув ҳам кўпчиликнинг ёдида қолди. Бу учрашувни туман ҳокими Омонулло Раҳимов очиб, шундай деди:

— Йил бошида Бишкек шаҳрида ҳар икки давлат раҳбарлари —Ислом Каримов билан Асқар Акаевнинг учрашуви ўзбек ва қирғиз халқлари ҳаётида янги саҳифа очди. Бу— икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш сари қўйилган янги қадам бўлди.

Бозорқўрғон, Новкен, Сузоқ туманлари ва Мойлисой шаҳри ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарларининг эл осойишталигини сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган бугунги учрашуви бежиз эмас. Чунки, биз сув ичадиган дарёлар—Оқбура, Қорадарё, Мойлисой, Тентаксой ирмоқлари ўша Қирғизистон диёридан бошланади. Шу боисдан ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорликда фаолият кўрсатганда юртда тинчлик, осойишталик барқарор таъминланади, атроф-муҳит мусаффолигига эришилади.

Учрашувда бир қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, энг муҳими, ҳар икки мамлакат қўшни туманларида яхши қўшничилик риштларини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилди.

Шу кунларда Пахтаобод тумани атрофидаги қўшни Жалолобод вилоятининг Бозорқўрғон, Новкен, Сузоқ туманлари, Мойлисой шаҳри чегараларига қўйилган ички ишлар бўлими ходимлари ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланган. Ўзбек ва қирғиз фуқаролари Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг дўстона учрашувлари самараларини ҳар кун кўриб ,ҳис этмоқдалар.

Камолиддин ҲОМИДОВ,
Тўхтасин ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзолари.

Хонқа тумани ҳокими А. Ортиқов туман бошланғич партия ташкилотлари, Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари котиблари ҳамда касаба уюшмалари раислари билан учрашди. Мулоқотда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб-ташвиқ қилишда партия, Ёшлар Иттифоқи ва касаба уюшмалари аъзоларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги, ХДП аъзолари ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларининг олдинги сафларида бораётганлиги алоҳида қайд этилди.

ҲОКИМ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Учрашувда 1993 йил якуни бўйича ҳокимият олиб бораётган ишлар юзасидан ҳоким муовини С. Раҳмонов, туман партия кенгаши фаолияти тўғрисида кенгаш котиби Ф. Жуманиёзов, Ёшлар ташкилоти ишлари хусусида Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси биринчи котиби З. Хўжаевлар маъруза қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Санъат*

Рус қизи ўзбекча куйламоқда

Уям хонандалардай хонанда. Куйлайди. Ўйинга тушади... Овози тиниқ, ширали. Тинглаб маза қиласиз. Қилиқлари ёқимтой, самимий.

— Миллатим ўрис, — дейди у. — Ўзбекча яхши куйлайман. Бировини айтиб бера қолай-а.

Лариса ўрнидан туради. Таниш оҳанг янграйди. Борлиғимиз қулоққа айланган. У жўшиб, ёниб куйлайди. Уни тинглаймиз, бирам маза, бирам ёқимли. Ҳузур-да, ҳузур.

Номи ҳали янги: Лариса Москалёва. Услуби эса ўша қадрдон халқ оҳангида.

— Биринчи айтган қўшиғимни эслайолмайман. Сўрамай қўя қолинг, — дейди Лариса. — Тўғрисини айганда ҳеч кимам эслолмаса керак. Чунки гўдаклик даврида хонанда бўлиш учун куйламайдилар. Балки биринчи бор биргина сўзнинг ўзигина хиргойи қилинар, Қисқаси, биринчи қўшиқ болаликнинг беғубор кунлари билан қоладиган қўшиқдир.

— Ўзинг айтганингдай сен ҳам санъаткор бўламан, деб куйламагандирсан-а?

— Бу оламга кутилмаганда кириб қолдим. Санъаткор бўлиш хаёлимдаям йўқ эди.

— Ҳойнаҳой, осмондан тушгандай, бирданига катта қўшиқ айтиб кетмагандирсан?

— Боғчамизда «утринник» бўларди. Ўшанда ёшим бешда. Алла Пугачёванинг машҳур «Орлекино»сини айтдим. Бўлди қарсак, бўлди талаб.

— Саҳнага чиқиб куйлаётганингда Алла Пугачёванинг сеҳрли қадами сендаям бордай туюлади.

— Кўрмаган, учрашмаган бўлсам-да, бу машҳур артист устозим бўлади. Фарруҳ Зокировниям шундай қабул қилганман. Аммо Фарруҳ ака билан учрашганмиз. «Сэул» ресторанида концерт берардим. У обдон тинглади. Сўнг менга қаради. Ким экан бу, дегандек. Гаплашдик. Овозим ёққанлигини айтди. Хурсанд бўлиб кетдим.

— Ўзбек ёш ижрочилардан қайси бири сенга маъқул?

— Қумуш Раззоқова, Юлдуз Усмонова. Буларни ёқтирибгина қолмасдан репертуаларидаги қўшиқларни айтиб ҳам юраман.

— Уларни амаллаб ёдлаб олгандирсан-да?

— Ўзинг айтаётган сатрлар маъносини тушуниб етмасанг мақсадингга эриша олмайсан. Тингловчингни йўқотиб қўйишинг ҳеч гапмас. Тушуниб, мағзини чақиб сўнг куйлайман.

— Қайси халқлар қўшиқларини биласан?

— Ўзбек, турк, рус, араб, корейс, инглиз...

— Спортга муносабатинг қандай?

— Тэквондо билан шуғулланаман. Умуман санъаткор спортчи бўлиши керак. Ўшанда у саҳнада чарчамайди.

Лариса ўн тўққиз ёшда. Санъат майдонига энди кирянти. Мухлислари ҳали оз. Катта давраларда танилиб улгурмаган бўлса-да номдор хонандаларнинг эътиборига тушган.

— Курсдошимнинг тўйига бордим. Унга Леонид Макеев ҳам келди, — дейди Лариса буни изоҳлаб. — Икки йил бурунги гап бу. Ўшанда курсдошларим қўйишмади. Қўшиқ айтдим. Мени тинглаган санъаткор иқтидоримга юқори баҳо берди. Кейин бирга ишлашга тўғри келди.

— Хонандаларнинг кўпчилиги ўзи қўшиқ ёзиб ўзи куйлайди...

— Бу «касаллик» мендаям бор. Мактабдалагимда яхшигина шоира эдим. Битикларим вақтли матбуотда чоп ҳам этилган. Композиторимиз Владимир Крахмалёв шеърларимга мусиқа битади. Маромига етгач мухлисларимга инъом этаман.

— Сени кўпроқ кимлар тинглашини хоҳлайсан?

— Ўзбеклар, ўзбекистонликлар. Чунки дўстим шу, юртим шу. Амалга ошса, ўзбек шоирлари билан ҳамкорлик қилиш ниятим ҳам бор. Улар ўзбекча ёзишади. Мен ўзбекча куйлайман.

— Хоҳ ёш ижрочи бўлсин, хоҳ номдор — кўнгли нозик. Ўшандан-да, санъаткор нимага доимо эҳтиёж сезади?

— Ўзинг ҳам, қўшиқларинг ҳам, суҳбатинг ҳам ёқимтой экан, — дедим Лариса билан хайрлашаётиб.

У кулиб қўйди.

Қурбон АЛИ.

«АБУЛФАЙЗХОН»—САҲНАДА

Ҳамза номидаги республика Давлат академик театрида янги асар саҳналаштирилди. Бу — улуғ адиб Абдурауф Фитратнинг «Абулфайзхон» драмасидир. Мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари режиссёр Марат Азимов, асосий ролларни ижро этган Турғун Ҳонтўраев, Эркин Комилов, Обид Юнусов, Сандкомил Умаров сингари артистлар маҳоратини яхши баҳолади.

Спектакль тез кунларда кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш.
А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

• ШЕЪРИЯТ •

ЮЛДУЗЛИ ТУН

Юлдузли тунларнинг гаштидан сармаст,
Сўнгсиз самоларга боғласанг меҳр.
Юрагингга кўчар ўзга бир ҳавас,
Ўзга бир муҳаббат, ўзга бир сеҳр.

Мижғов туйғулардан кетарсан йироқ,
Бокира ҳисларга бўларсан ошна.
Руҳингни тарк этмас рангларки бир оқ,
Кўксингда жимирлар бир тиниқ чашма.

ОНА

Гўдагига термилиб она
Энтикади ёруғ ҳислардан.
Кўзмунчоқлар тақар кўксига
Асрасин деб бадбин кўзлардан.

Жажжигина қоматига мос
Тўнлар тикар ширин энтикиб.
Армасин белидан дея
Белбоғчалар беради тикиб.

САККИЗЛИК

Инсон номусини, инсон ориини,
Зебу зийнат билан бўлмагай тенглаб.
Юрагига жойлаб дил баҳорини
Не бахт ёринг бўлса ҳалол, нозик таъб.

Ҳаёсин юзига хўп айлаб ҳуси,
Бир эҳтиром билан сўзласа майин.
Сочларида сезиб гулнинг хуш исин,
Бахтиёр сипқорсанг не бахт ишқ майин!

СОҒИНЧ ҲИССИ

Бугун узоқдаман қишлоқ бағридан,
Хушрўй сўқмоқлардан айруман тамом.
Ухласам саҳарлар тушимга кирар,
Ойдин сўқмоқлару, ойдин бир оқшом.

Уйғониб кетаман кўнглимда ғулу,
Юрагимда эса тўлқинланган ҳис.
Бу дам менсиз ёлғиз тонгни қаршилар
Қишлоқда сочлари қирқ ўрим бир қиз.

ЯССАВИЙ

Ростгўйликка мезон ҳақнинг иши дер эдинг,
Рост сўзни дер диёнатли киши дер эдинг.
Дилга жо эт маърифатли ишни дер эдинг,
Илму одоб оламида улуғ Яссавий,
Бор вужуди эзгуликка тўлиғ Яссавий.

Сен руҳият дунёсида бир булоқ эдинг,
Тарбияда эртаю кеч кўз-қулоқ эдинг,
Дарёларни туташтирган қўш қирғоқ эдинг,
Илму одоб оламида улуғ Яссавий,
Бор вужуди эзгуликка тўлиғ Яссавий.

Сени англаб етмадилар худоси йўқлар,
Нопокликдан асрагувчи фидоси йўқлар,
Исо, Мусо, Муҳаммадга ихлоси йўқлар,
Илму одоб оламида улуғ Яссавий,
Бор вужуди эзгуликка тўлиғ Яссавий.

Барот ЯРАШ

Бобом, бизни қай ғаламис нодон демади,
Билими йўқ, калтафаҳм одам демади,
Бипармидинг бундан мақсад нималар эди,
Илму одоб оламида улуғ Яссавий,
Бор вужуди эзгуликка тўлиғ Яссавий.

Бир кун ҳақнинг, ҳақиқатнинг йўли очилди,
Ибодат-чун унга халқнинг қўли очилди,
Мен билмаган дардларингни сен ҳам оч энди,
Илму одоб оламида улуғ Яссавий,
Бор вужуди эзгуликка тўлиғ Яссавий.

• Тўйхат

ҚАЛБИДА БИР ДАРЁ ОҚАР

У на шоир эди ва на
машҳур зот,
Лекин дунё билан бир эди
дарди.
У ҳам бошқалардек кечириб
ҳаёт
Шошиб ишга бориб, секин
қайтарди.

Машҳур шоиримизнинг умри «оқар дарё бўлган» инсон ҳаётининг мазмун ва моҳияти ҳақида теран фалсафий мушоҳадалар юритилган бу ўлмас сатрларини бундай оддий талқин қилиш, унда илгари сурилган фикр-ўйларни оддий одамлар ҳаётига менгазиш ўринли эмасдир балким. Лекин ҳаёт ушбу шеърда ўз тажассумини топган, ана шундай камтар «қалбида бир дарё гувлаб оққан» фидойи инсонлар билан гўзал, нурли эканлиги шубҳасиз. Бу тоифа кишилар тоғни уриб талқон қилмаган, битта-яримта оламшумул кашфиёт яратмаган ёинки бирор-бир аъмоли билан кўпчиликни ҳайратга солмаган бўлсалар ҳам барибир олам ўшалар билан бутун, ўшалар билан тугал. Чунки улар бу рангин оламнинг барча инжиқликлари, чигалликларига қарамай, ўз номларини пок сақлаб келаётган комил инсонлардир.

Ўсарали Нишонов Самарқанд Давлат университетининг филология факультеини битиргач, ўн йилдан ортиқ Тожикистоннинг Регар туманида мактабмаориф соҳасида, туман газетасида меҳнат қилди. Мактаб директори, туман газетаси муҳаррири вазифаларида ишлади. Сўнг 15 йил «Ўқитувчи» нашриётида меҳнат қилди. Ўзбек тили ва адабиёти таҳририятида катта муҳаррир, педагогика таҳририятининг мудири, нашриёт бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб ишлади. Мамлакатимизнинг бу йирик ўқув-педагогика нашриётида чоп этилган ижтимоий-гуманитар фанларга доир кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётларда Ўсарали аканинг ҳам кўз нурлари инган.

Бадиий сўзнинг сеҳри ва қудрати талабалик йилларидаёқ уни ўзига ром қилиб олди. Эллигинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб «Совет Тожикистони», «Ўзбекистон маданияти», «Ёш ленинчи», «Меҳнат ва турмуш» сингари газета ва журналларда шеър, мақола ва тақризлари устмаруст босилиб турди. Бора-бора адабий танқид, тўғрироғи, ўзбек адабиётида поэма жанри муаммолари уни кўпроқ қизиқтира бошлади. Ўз тақриз, мақолаларида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳуснидин Шарипов, Барот Бойқобилов ижоди билан бир қаторда адабиётшунос ва танқидчилар назари бирмунча камроқ тушган Маъруф Жалил, Анвар Эшонов, Ўлмас Жамол, Аширмат Назаров, Жўра Раҳимов сингари ижодкорлар шеърияти тўғрисида салмоқли фикрлар айтишга интилди. Кейинги вақтларда ўз кучини насрда ҳам синаб кўра бошлади. Унда адабиётга, қалам аҳлига меҳр-муҳаббат, ўз ишига садоқат юқори мақомда эканлиги ҳақида ўйлаганимда баъзан даҳо инсонларнинг бир оғиз лутфи, бир неча жумла каломи ҳам юраклардаги чўғни аланга олдиришга кифоя эканлигига гувоҳмиз. Қийин кечган болалик, ўқитувчилик, газетачилик ва ноширлик машаққати ва масъулияти Ўсарали акани ҳам жисмонан, ҳам руҳан тоблагани рост. Чунки йигитлардек адл қадди-қоматига, ҳаракатларининг шаҳдамлигига қараб туриб ҳеч ким у кишини олтмиш ёшга тўлди, деб ўйламайди.

Ҳозир у Ўзбекистон Автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорациясида давлат тилини жорий этиш бўйича бош консультант.

Донийр БЕГИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

ОҚ ОЛИМПИАДА БАЙРОҒИ ОСТИДА

Бешта туташ халқа рамзи туширилган олимпиада байроғи остида олиб борилаётган қизғин ва муросасиз баҳслар авж палласига кирди. Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрига ташриф буюрган ўнлаб мамлакатларнинг терма жамоалари ғолиблик йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бу галги олимпиадада ҳам Россия спортчилари етакчилик қилмоқдалар. Улар ҳисобида тўпланган медаллар 19 тадан ошиб кетди. Шундан 9 таси олтин медалдир. Афтидан бундай муваффақиятни кўролмайдиганлар ҳам борга ўхшайди. Бўлмаса Россия спортчилари жойлашган «Руслар уйи»га ўғри тушмаган бўларди. Улар давлат байроғини йўқ қилиб, кўргазмали стендни бузиб кетишибди. Россия олимпиада рамзини ҳам олиб кетишган. Ўғриларни топиш йўлида полиция изланмоқда.

Россия спортчилари эса сира бўш келишмаяпти. Чунончи, муз устида нафосат баҳси—фигурачиларнинг чиқишида спорт рақси бўйича Оксана Грншук билан Евгений Платов олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритишди.

Маълумки, олимпиада мустақил Ўзбекистон спортчилари учун ўзига хос имтиҳон ва тажриба орттириш баҳсига айланмоқда. Сирасини айтганда вакилларимиз Ўзбекистон спорт шарафини улуғлаш учун имкониятларидан етарли фойдаланишга, маҳорат кўрсатишга зўр беришмоқда. Жумладан, бир қанча халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган фигурачиларимиздан Алика Стергиаду билан Юрис Разгуляев жаҳоннинг манман деган спортчилари орасида эсанкирамай мухлислар эътиборини қозонишга ҳаракат қилишди. Уларнинг чиқишлари ўртадан юқори баҳоланди. Зеро, умумий балллар ҳисобида ўн учинчи ўрин билан қаноатланишди. Яна икки вакилимиз — Динора Нурбоева билан Муслим Сатторовларнинг спорт рақслари ҳам жозибали ва нафосатга бойлиги билан бир неча бор олқишларга сазовор бўлди.

Тоғ чанғиси бўйича мусобақаларда қатнашаётган спортчиларимизга юртимиз мухлислари катта умид боғлашмоқда. Ҳозирча Лариса Удодова фристайл-могул бўйича 60 киши орасида 21 ўринни олди. Сергей Бринер эса ярим финалга чиқиб, курашни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳамма умид вакилимиз, жаҳон кубоги соҳиби Лина Черязовадан. У ҳал қилувчи баҳсда муваффақиятли қатнашиб, олтин медалга асосий даъвогарлардан бўлиб турибди. Биз ҳам Линага омад тилаймиз.

• Шатранж оламида

БЎЛАЖАК ОЛИЯЛАРИМИЗНИ КЎРЯПМАН

Яқинда Тошкентда иккита оммавий, айни чоғда йирик мусобақа бўлиб ўтди. Тезкор ўйин бўйича ўтказилган республика биринчилигида гроссмейстер ва таниқли спорт усталари билан бир қаторда ёш салоҳиятли шахматчилардан 70 нафари ғолиблик учун ўзаро қизғин баҳс юритдилар.

Тезкор дейилишининг сабаби шуки, ўйиннинг бошидан то охиригача томонларнинг ҳар бирига ўйлаш учун атиги 30 минутдан вақт берилади. Шахмат тахтасида мураккаб ҳисоб-китоб юритишни тақозо этувчи муаммоларни имкони борича тўғри ҳал қилиш учун бу муҳлат жуда кам. Начора, шитоб билан давом этаётган замон воқеаларининг таъсири шахматдаги ижодга ҳам кўчаяпти чоғи. Бир неча йилдирки, бу хил мусобақалар жаҳон миқёсида ҳам ўтказиб келинмоқда. Тезкорлик мухлисларга жуда манзур тушмоқда. Атиги уч кун давом этган ўзига хос жангу жадаллар оқибатида тўққиз имкониятдан 7,5 тадан очко жамғарган халқаро гроссмейстер Александр Ненашев билан халқаро мастер Сайдали Йўлдошев ғолиб чиқди ва яқинда Москвада ўтадиган тезкор мусобақада иштирок этадиган бўлди.

Ушбу мусобақа тугаши билан Г. Аъзамов номли республика шахмат клубига вилоятлардан келган ва тошкентликлардан 75 нафари навбатдаги Ўзбекистон чемпионатининг биринчи табақа турнири баҳсларини бошлаб юбордилар. Улар орасида бир неча бор республика чемпионлари — 70 ёшли Г. Борисенко, 60 ёшли А. Грушевский билан Л. Маслов ва бошқа тажрибали усталар қатори 10—15 яшар умидли ёшлар ҳам борлиги ва бор бўлганда ҳам устозлар таҳсинига мушарраф бўлганларини кўриб, севиндик. Ҳа, улар сафида бўлажак олиялар — гроссмейстерларимиз турганлигидан беҳад қувонасан киши. Тағин денг уларнинг аксарият қисмини миллий жамоа вакилларини ташкил этади. Ўзбекистонни катта спорт анжуманларида кўз-кўз қила оладиган ўринбосарлар етишиб чиқмоқда. Бу ҳам мустақиллик шарофатидан.

Иштирокчилар сони кўплигидан мусобақалар швейцарияча усулда ўтказилади. Бу жуда қизиқ: иккинчи турдан бошлаб очкоси тенглар ўзаро учрашиб, кейинги кунларда ҳам пешқадамлар бир-бирларига рўбарў бўлаверадилар. Хуллас, «ким ўзди»нинг якунловчи беллашувлари олдидан чирчиқлик Андрей Белкин ўн имкониятдан 8, андижонлик Иброҳим Каримов, ТошДУ талабаси Дилмурод Раҳимов, самарқандлик Алишер Аноқулов ва бухоролик Сергей Галахов 7,5 тадан очко жамғарган ҳолда марра чизиғига яқинлашиб турардилар. Сўнггги тур чинакамига ҳал қилувчи баҳсларга бой бўлди. Раҳимов жуда чиройли услубда Белкинни ютиб, уни кўп имтиёзлардан маҳрум этди. Аноқулов эса шошмашошарликка йўл қўйиб, Галаховдан енгилиб финалдан қуруқ қолди. Каримов Исаевни доғда қолдирди. Шундай қилиб, икки ҳафталик баҳслашувлар оқибатида 11 имкониятдан 8,5 тадан очко тўплаган. И. Каримов, С. Галахов ва Д. Раҳимов 1—3 ўринларни баҳам кўрдилар. Низомга кўра улар апрель ойида Шаҳрисабзда ўтадиган республика чемпионати олий табақа турнирига йўлланма олдилар.

Булар бўлғуси гроссмейстерларимиз, десам балки янглишмасман. Ўн, ўн икки яшар тошкентлик С. Қаюмов, А. Аҳмадхўжаев, самарқандлик ака-ука Ҳамроқуловлар, сурхондарёлик Б. Саидовга ўхшаган бир қанча вакилларимиз эса кўп ўтмай спорт усталари даражасига кўтарилсалар, ажаб эмас. Ҳа, келгусида республикамиз шахмат шинавандалари кўнглини хушнуд этадиган ўринбосарлар тобора кўпайиб бораётганидан биз ҳам хурсандмиз.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ ЖАДВАЛИ

(ОЛИЙ ЛИГА)

БИРИНЧИ ДАВРА

МАРТ

27. «Пахтакор» — «Сурхон», «Навбаҳор» — МҲСК, «Шифокор» — «Трактор»

30. «Пахтакор» — «Сўғдиёна», «Атласчи» — МҲСК, «Темирйўлчи» — «Трактор»

АПРЕЛЬ

10. МҲСК — «Нурафшон», «Трактор» — «Политотдел», «Чирчиқ» — «Пахтакор»

13. МҲСК — «Ороол», «Трактор» — «Пахтакор»

24. «Пахтакор» — МҲСК, «Ороол» — «Трактор»

27. «Янгиер» — «Пахтакор», «Политотдел» — МҲСК, «Нурафшон» — «Трактор»

МАЙ

8. МҲСК — «Темирйўлчи», «Трактор» — «Атласчи», «Наврўз» — «Пахтакор»

11. «Шифокор» — МҲСК, «Трактор» — «Навбаҳор», «Нефтчи» — «Пахтакор»

ИЮНЬ

5. МҲСК — «Нефтчи», «Пахтакор» — «Навбаҳор», «Сўғдиёна» — «Трактор»

8. МҲСК — «Наврўз», «Пахтакор» — «Атласчи», «Сурхон» — «Трактор»

19. «Трактор» — МҲСК, «Темирйўлчи» — «Пахтакор»

22. «Янгиер» — «Трактор», МҲСК — «Чирчиқ»

ИЮЛЬ

3. «Трактор» — «Наврўз», «Нурафшон» — «Пахтакор», «Сўғдиёна» — МҲСК

6. «Трактор» — «Нефтчи», «Ороол» — «Пахтакор», МҲСК — «Сурхон»

13. «Пахтакор» — «Политотдел», «Чирчиқ» — «Трактор», МҲСК — «Янгиер»

ИККИНЧИ ДАВРА

АВГУСТ

21. «Политотдел» — «Пахтакор», «Трактор» — «Чирчиқ», «Янгиер» — МҲСК

28. «Нефтчи» — «Трактор», «Пахтакор» — «Ороол», «Сурхон» — МҲСК

31. «Наврўз» — «Трактор», «Пахтакор» — «Нурафшон», МҲСК — «Сўғдиёна»

СЕНТЯБРЬ

11. «Трактор» — «Янгиер», «Чирчиқ» — МҲСК, «Шифокор» — «Пахтакор»

14. МҲСК — «Трактор», «Пахтакор» — «Темирйўлчи»

21. «Наврўз» — МҲСК, «Атласчи» — «Пахтакор», «Трактор» — «Сурхон»

25. «Нефтчи» — МҲСК, «Навбаҳор» — «Пахтакор», «Трактор» — «Сўғдиёна»

ОКТЯБРЬ

23. МҲСК — «Шифокор», «Навбаҳор» — «Трактор», «Пахтакор» — «Нефтчи»

26. «Темирйўлчи» — МҲСК, «Атласчи» — «Трактор», «Пахтакор» — «Наврўз»

НОЯБРЬ

3. «Пахтакор» — «Янгиер», МҲСК — «Политотдел», «Трактор» — «Нурафшон»

6. МҲСК—«Пахтакор», «Трактор» — «Ороол»

13. «Ороол» — МҲСК, «Пахтакор» — «Трактор»

16. «Нурафшон» — МҲСК, «Политотдел» — «Трактор», «Пахтакор» — «Чирчиқ»

24. «Сўғдиёна» — «Пахтакор», МҲСК — «Атласчи», «Трактор» — «Темирйўлчи»

27. «Сурхон» — «Пахтакор», МҲСК — «Навбаҳор», «Трактор» — «Шифокор»

Изоҳ: «Нефтчи» (Фарғона) ва «Пахтакор» жамоаларининг Осиё кубокларида қатнашиши бокс, иккинчи давра ўйинлари ўзгариши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

МИСР УНИВЕРСИТЕТИ ЧОРЛАЙДИ

БУГУН эрталаб «ИЛ—62» ҳаво кемаси Тошкент аэропортидан Миср Араб Жумҳуриятининг пойтахти Қоҳирага учади. Ҳаво кемаси бортидан Ўзбекистоннинг [illegible]здан ортиқ талабаси ўрин олган. Ёшлар Қоҳирадаги Ал-Азҳар дорилфунунида беш йил давомида таълим олади. Ўқишга юборилаётган ёшларга Диний ишлар қўмитасининг ходимлари Авазхон Ҳайдаров ва Тожибой Мўминов ҳамроҳлик қилишмоқда.

Мисрнинг минг йиллик тарихига эга бўлган бу дорилфунунда Ўзбекистон ёшларининг билим олишлари учун икки томонлама қилинаётган ҳаракатлар республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ва халқаро алоқаларни кенгайтиришга муносиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Убайдулла Уватов қуйидагиларни маълум қилди:

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Жумҳуриятига қилган расмий давлат сафари чоғида имзоланган ҳужжатлар асосида икки томонлама алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Ҳозирда масжидлар имомлари бу дўст мамлакатда билимларни қайта пухталаш ўқишида бўлсалар, айни пайтда мисрлик имомлар республикамиз масжидларида рамазон муносабати билан хатми қурон ўтказишмоқда. Ўтган йили эса Миср Араб Жумҳурияти вақф ишлари вазири, доктор Муҳаммад Али Маҳжуб Нақшбанд таваллуди тантаналарида қатнашган эди.

Ал-Азҳар университети энг қадимий дорилфунунлардан бири ва унда диний ва дунёвий фанлар ўқитилади. Бу дорилфунун маъмурияти ва илмий ҳайъати Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни ҳурматли меҳмон тарзида кутиб олди ва унга тантанали равишда университетнинг фахрий доктори унвонини топширди. Демак талабаларимиз ана шу билим ўчоғида ўз рағбат ва истеъдодларига қараб диний ва дунёвий билимларни эгаллайдилар.

Талабалар Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Муборак белгилаган стипендияларга биноан таҳсил оладилар.

Абдулла ПЎЛАТОВ.



Яқинда Дўстлик туманидаги «Табиат инъомлари» дўкони хусусийлаштирилди. Эндиликда харидорлар бу дўкондан истаган нарсаларини топишлари мумкин. Мевачева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, турли шарбатлар сотилаётир. Гўшт эса ҳамиша қатъий белгиланган нархдан ошмаётир. Бу дўконда ҳар ойда 20 миллион сўмлик савдо қилинмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Дўкон қассоби Эркин Йўлчиев. 2. Сотувчилардан Фарҳод Сафаров ва Равшан Муҳитдинов.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.



Тошкент шаҳри марказида жойлашган, барча қулайликларга эга бўлган 4-хонали учинчи қаватдаги кооператив квартира (хорижий мебеллари ва гаражи билан) СОТИЛАДИ

Телефон: 54-75-95 (иш вақтида).

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Р. Қаюмов номли 71-ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисида ШЕРАЛИЕВ Ботир Юлбарсович номига берилган АУ № 307921 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо концерни жамоаси республика миқёсидаги шаҳсий фахрия

Ёқутхон Акбаровна АКБАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Г—791. тир. 87.259. топширилди — 23.50.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.